

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**АУДИОВИЗУАЛ ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯ КАФЕДРАСИ**

БОЙҚОБИЛОВ ЖАҲОНГИР НОРПЎЛАТОВИЧ

**ТВДА СПОРТ МАВЗУСИ, МАҲОРАТ ВА ЖАНРЛАР
ТАҲЛИЛИ**

**5320400 – ҲАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА БЎЙИЧА БАКАЛАВРЛИК
ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН**

БИТИРУВ – МАЛАКАВИЙ ИШИ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”

“Аудиовизуал журналистика ва
оммавий коммуникация”
кафедраси мудири
ф.ф.д.,Х.Дўстмухаммедов

Илмий раҳбар
катта ўқ. А.Каримов

« _____ » _____ 2012 йил

« _____ » _____ 2012 йил

ТОШКЕНТ- 2012

М У Н Д А Р И Ж А

Номланиши		бетлар
Кириш		3
Биринчи боб Ўзбекистон спорт журналистикаси		
1.1	Спорт журналистикасида кузатилаётган ўзгаришлар	9
1.2	Спорт телеканалли: мақсад, мазмун ва муаммолар	24
Иккинчи боб Спорт журналистлари маҳорати ва жанрлар таҳили		
2.1	Спорт кўрсатувларида кўлланилаётган асосий жанрлар ва маҳорат масалалари	31
2.2	Футбол мавзусидаги чиқишларда журналистлар касб малакаси ва асосий муаммолар	46
Хулоса		59
Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати.		64
Илова		68

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов “Жисмоний тарбия ва спорт юртимизнинг ҳар қайси шаҳар ва кишлоқларига, ҳар бир хонадонга кириб боришига эришиш шу асосда ҳаётимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бизнинг олижаноб орзу-интилишларимизнинг узвий бир қисмига айланиши зарур”, – деб айтган эди. Спорт соғлом турмуш тарзини қарор топтириш баробарида, мамлакатни дунёга тез машҳур қила олади. Бу соҳа ривожига мамлакатимиз бўйлаб кенг аҳамият берилаётгани бежиз эмас. Спорт қадимдан то ҳозирги кунга қадар инсоният ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Жаҳон мамлакатлари қатори юртимизда ҳам спорт ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонда спорт тараққиётига мамлакат раҳбарининг ўзи эътибор қаратаётгани, жойларда ўсиб келаётган ёшлар учун катта имкониятлар яратилаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Республикамизда спорт умумдавлат иши ҳисобланиб, жисмоний маданият билан бирга аҳолининг барча қатламларини ва ёшлар гуруҳини қамраб олган. Мамлакатда 50 дан зиёд спорт тури оммалашган, улардан 30 тури олимпиада ўйинлари дастурига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”, “Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида”, “Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари мамлакатимизда спортнинг янада ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Спорт соҳасида турли унвонлар таъсис этилди, шунингдек, давлат ва нодавлат спорт матбуоти шаклланди.

Аудиториянинг атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, янгиликларга бўлган қизиқиши ортиб бормоқда. ОАВ янгилик бериш билан бирга тарғибот-ташвиқот воситаси сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Худди шу маънода журналистлар олдида қатор вазифалар қўйилди: “Оммавий ахборот воситалари ҳамиша жамоатчилик фикрига кучли таъсир ўтказишга

кодир бўлган фаол қурол бўлиб келганини унутмаслигимиз керак. Шу сабабли журналист кадрларнинг, қалами ўткир, демак, одамларнинг қалбига кириб бора оладиган кишиларнинг масъулияти каттадир. Биз журналистлар аҳли сиёсий етук, масъулиятли, ҳалол ва виждонли, ўз ишини яхши биладиган, мамлакатимизнинг ватанпарвар кишиларидан иборат бўлишига эришмоғимиз даркор”¹. Спорт тарғиботида ана шу касб эгаларининг оғир ва масъулиятли меҳнати ётибди.

Ҳар бир йилни алоҳида ном билан атаб, соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган эътибор келажак учун кўйилаётган мустаҳкам пойдевор бўлаётир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги “Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига биноан “Спорт” телеканали ташкил этилган. Бугунги кунга келиб “Спорт” телерадиоканали республикамизнинг 94,5 фоиз ҳудудини қамраб олган. Аҳолининг соғлом турмуш тарзига қай даражада қизиқиш билдириши телеканал аудиторияси қанчалик кенг эканлигига қараб белгиланади. Бу эса, ўз навбатида, телеканал ижодкорларидан, хусусан, спорт турлари бўйича мавзуларни қай даражада ёритишда маҳорат ва масъулиятни талаб қилади. Аммо ижодкорлар фаолиятида айрим камчиликлар кўзга ташланмоқда. Уларни бартараф этиш учун спорт журналистлари мактабини яратиш, соҳа ва тармоқларда шарҳловчилар маҳоратини ошириш, уларнинг профессионаллашувига жиддий эътибор қаратиш талаб қилинади. Жиддий чиқишлар йўқлиги жамоатчилик эътирозларига сабаб бўлаётир. Эътирозларнинг объектив асосларга эгаллигини кўрсатиб бериш, чиқишлар ва шарҳлар савиясини оширишни илмий жиҳатдан чуқур ўрганишга қаратилган таҳлил ҳамда тадқиқотлар зарур. Мавзу шу нуқтаи назардан ўта долзарб ва фойдали.

¹ Каримов И. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б.391.

Илмий ишнинг янгилиги. Телевизион спорт журналистикаси дунё миқёсида ривожланиб бораётган бир пайтда, илм-фан эгалари соҳадаги қусур ва нуқсонларни бартараф этиш, янги тамойил ва тенденцияларни белгилаб олиш нуқтаи назаридан тадқиқот объекти муаммолари ҳақида тор ва кенг доирада муҳокамалар ташкил этиб келадилар. Ўзбек миллий спорт тележурналистикасида ҳам қатор муаммолар мавжуд. Томошабин энг оммавий санаган футбол шарҳловчиларининг камчиликлари ҳақида ўнлаб фикр-мулоҳазалар билдирилади. Аммо бошқа спорт турларини шарҳлаб, чиқишлар ташкил этаётган журналистлар фаолияти ундан ҳам ачинарли. Улардаги камчиликлар илмий тадқиқотлар, изланишлар олиб боришни тақозо қиляпти. Сценарий муаллифлари, шарҳ билан тўғридан-тўғри эфирда ишлаётган журналистлар савияси ва маҳорати дастур ютуғини белгилайди. Телевидениеда спорт шарҳларини олиб бораётган ижодкорлар маҳоратини ўрганиш, илмий нуқтаи назардан таҳлил этиш жуда муҳим. Соҳа мутахассислари, тадқиқотчилар, талабалар ва барча қизиқувчилар учун иш илмий жиҳатдан қўл келади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Телевизион спорт дастурлари мазмуни, сифат ва савияси, шарҳловчилар маҳорати, тасвир ва матн таҳлили, тил ва услуб масалаларига оид матбуотда мақола ва чиқишлар ташкил этилган бўлиб, битирув-малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Соҳа муаммолари, хусусан, футболга оид кичик илмий-назарий ва амалий чиқишлар салмоғли тош босади. Интернетда миллий ва жаҳон футболи муаммолари билан бир қаторда футбол шарҳлари, журналистлар маҳорати, шарҳлар мазмуни ва савияси ҳақида конференциялар ташкил этиб келинади. Давлат Турдиалиев, Норбек Ниёзов сингари журналистлар билан соҳа муаммолари доирасида ана шундай баҳслар ташкил қилинган. Ф.Низомов, Б.Мамедов, Д.Имомхўжаевлар мавзуга доир тадқиқотлари, Ахбор Имомхўжаевнинг футболга оид китобларида мавзуни қисман ўрганишган. Замон ўзгармоқда, қарашлар янгиланмоқда, тамойиллар пайдо бўлмоқда. Шу асосда журналистлар касб

маҳоратини ўрганиб боришни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Жаҳон миқёсида спортга ихтисослашган каналлар кўп. Мақсад ва вазифаларни белгилашда шу жиҳатлар инобатга олинди.

Биринчидан, мамлакатда спорт соҳасига аҳамият берилаётгани, ўсиб келаётган ёш авлод учун яратилаётган шарт-шароитлар, соғлом турмуш тарзига қаратилаётган эътибор, болалар спортини ривожлантиришнинг афзалликларини очиқ бериш.

Иккинчидан, Ўзбекистонда спорт журналистикасининг ривожланиши, ютуқ ва камчиликлар, муаммолар ва юзага келаётган янги тенденциялар, спорт турлари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга замонавий қарашларни ўрганиш.

Учинчидан, Ўзбекистонда “Спорт” телеканалининг ташкил топиши сабаблари, моҳияти, канал ривожини ва шу давр мобайнида амалга оширган лойиҳалари, канал форматига мос ва мос бўлмаган эфир ва экран асарларининг ўсиши ва камайиши омилларини аниқлаш.

Тўртинчидан, “Спорт” телеканалида тижорийлашув, ихтисослашув, профессионаллашув соҳасида қандай тамойиллар кўзга ташлаётганини аниқлаштириш. Телекўрсатувлар тайёрлашда аудитория талаб ва эҳтиёжларининг инобатга олиниши кераклигини илмий жиҳатдан асослаш.

Бешинчидан, шарҳловчилар малакаси ва тажрибаси қайси омилларга боғлиқ эканлигини, ютуқ ва камчиликлар нимадалиги, асосий муаммолар ва уларни бартараф этиш учун нималар қилиш кераклигини белгилаш ҳамда социологик тадқиқот асосида бу қарашларни илмий жиҳатдан исботлаш ва хулосаларни тақдим этиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Объект сифатида “Спорт” телерадиоканали танланди. Дастур эфирларидан ўрин олган спорт шарҳлари таҳлил қилинди. Манба сифатида асосан Россияда чоп этилган адабиётлардан

фойдаланилди. Халқаро журналистика факультетида ҳимоя қилинган БМИ ва магистрлик диссертациялари билан танишилиб, уларда олиб чиқилган карашлар, таклиф ва тавсиялар шу пайтга қадар қай даражада инобатга олиниб, муаммолар бартараф этилгани хусусида ҳам мулоҳазалар билдирилди.

Даврий нашрларда чоп этилган мавзуга оид маълумотлар, журналистлар маҳорати, журналистикага оид адабиётлар, мазкур мавзу юзасидан олиб борилган тадқиқотлар илмий ишнинг предмети вазифасини ўтайди.

Илмий ишнинг назарий-методологик асоси ва тадқиқот усуллари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг оммавий ахборот воситалари ва журналистикага доир фикрлари, спорт соҳасини ривожлантириш бўйича турли маъруза ва асарларда айтган фикрлари мавзунини ёритишга амалий жиҳатдан ёрдам берди.

Илмий ишни тайёрлашда обсервацион (кузатув), экспериментал праксиметрик (журналист асарлари таҳлили), социологик тадқиқот методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий-амалий аҳамияти. Республикада ташкил этилган “Спорт” телеканали фаолияти дастлабки йилларда бирозгина баҳсларга сабаб бўлди. Россия телеканалининг айрим дастурларини трансляцияси, канал форматига мос бўлмаган кўрсатувларнинг берилиши, пала-партиш шарҳлар томошабинни бездира бошлади. Канал дастурлари Россиядан олиб кўрсатиладиган айрим кўнгилочар дастурлар билан бойитилгани етмаганидек, кино намоишларга ҳам эътибор кучли эди. Кейинчалик, канал фаолиятида маълум ўзгаришлар кўзга ташлангандай бўлди. Режиссура, дизайнда янгиликлар олиб кирилди. Муаллифлар маҳоратини ошириш ишида ҳам янгиликлар содир бўлгани қувонарли эди. Ишнинг илмий янгилиги шундаки, спорт кўрсатувлари қандай бўлиши керак, спорт кўрсатувлари ва шарҳда нималарга аҳамият қаратиш кераклигини илмий жиҳатдан кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган. Телеканалда эфирга

узатилувчи спорт дастурлари муаллифлари шарҳларини ўрганган ҳолда, уларнинг тажрибаси ва маҳорат масалалари борасида муайян фикр-мулоҳазалар айтилган. Тадқиқотда мисоллар билан мазкур жихатлар кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган. Илмий иш журналистлар учун, талабалар ва барча қизиқувчилар учун янгилик ҳисобланади ҳамда амалий аҳамият касб этади.

Ишнинг тузилиши. БМИ кириш, 2 боб, ҳар бир боб 2 тадан фасл, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи бобда мамлакатимизда спортга берилаётган эътибор ва оммавий ахборот воситаларида бу ўзгаришларнинг ёритилиши тилга олинган. Ўзбекистон спортининг мустақиллик йилларида ривожланиши мисоллар орқали очиқ берилган. Жойларда амалга оширилган ишлар ва уларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши масалалари ҳақида сўз юритилган. “Спорт” телеканали дастурларининг томошабинлар аудиториясига таъсири масалалари ва дастурлаш тамойилларига эътибор қаратилган.

Иккинчи бобда эса “Спорт” телеканалидаги чиқишларнинг ўзига хос хусусиятлари, бош мавзулар, журналистлар тажрибаси, услуги борасида муайян фикр-мулоҳазалар айтилган. Каналнинг дастлабки йиллардаги ҳолати ва айна пайтдаги фаолияти қиёсан тадқиқ қилинган. Ўсиш тенденциялари кўрсатиб берилган.

Хулоса қисмида тадқиқотнинг асосий натижалари баён этилади. Шарҳдаги мавзу ва маҳорат борасидаги асосий муаммолар аниқланади. Уларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган тавсиялар берилади.

Иш сўнгида фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова берилган.

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА СПОРТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ

1.1. СПОРТ ЖУРНАЛИСТИКАСИДА КУЗАТИЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАР

Жисмоний маданиятнинг таркибий қисми, жисмоний тарбия воситаси ва усули, жисмоний машқларнинг турли мажмуалари бўйича мусобақалар ташкил этиш, тайёрлаш ва ўтказиш тизими бўлмиш – спорт инг. “sport” – “ўйин” деган маънони англатар экан. Спортнинг мақсади кишиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш ва умумий жисмоний ривожлантириш билан бирга спорт мусобақаларида юқори натижа ва ғалабаларга эришишдир. Спорт тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Илк спорт мусобақалари милоддан аввал 1580 йилда бўлиб ўтган эди. Спорт 1894 йилда Халқаро Олимпиада қўмитаси ташкил топганидан кейин жуда тез ривожланди. Замонавий Олимпиада ўйинлари эса 1896 йилда ўтказилган. Спортнинг асосий 3 та ўзаро боғлиқ ташкилий шакллари мавжуд:

- оммавий ҳаваскорлик спорти;
- ўқув фан сифатидаги спорт;
- юқори натижалар спорти.

Тараққиёт жараёнида спорт жисмоний тарбия доирасидан чиқиб, мустақил умуммаданий, сиёсий, эстетик, иқтисодий аҳамият касб этди. Спортнинг шахс умумий тараққиётига таъсири жуда катта. Жисмоний машқлар организмнинг умумий тонусини сақлаб, кайфиятини кўтаради ва ўз-ўзидан фикрлаш жараёнининг ижодлилигини таъминлайди.

Спорт турларининг 2 асосий гуруҳи мавжуд:

- миллий спорт турлари – ҳар бир халқнинг ўзига хос турмуш тарзи, меҳнат фаолияти, дам олиш шароити асосида ривожланган.

- халқаро спорт турлари – муайян шароитларда мусобақалар ўтказишнинг умумлаштирилган тизимларидан иборат бўлиб, бунда мусобақа муносабатларини, натижаларни ҳисобга олиш ва баҳолашни халқаро миқёсда бир хил тартибга келтириш, ягона қоидалардан фойдаланишга асосланган махсус чеклашлар назарда тутилади. Спорт ер юзидаги халқ ва миллатларни бирлаштириб дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон спорти миллий маданиятимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади. У кенг халқ оммасини юксак ахлоқий руҳда тарбиялашда ва саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим воситалардан бири бўлиб қолди. Мамлакатимизда яшовчи халқлар асрлар давомида хилма-хил жисмоний машқлар ва миллий мусобақа турларини яратдики, бу ўз навбатида ёшларнинг жисмоний ва маънавий тарбиясига жиддий таъсир кўрсатди.

Спорт Ўзбекистонда минг йиллар оша шаклланиб келган қадимий маданиятнинг бир кўринишидир. Турли туманларда яшовчи айрим уруғларнинг алоҳида жисмоний машқ ва ўйинлари мавжуд бўлиб, улар мунтазам ривожланиш тарихига эга.

Ўзбек юртидан жаҳонга донг таратган спортчилар жуда кўп. XVIII асрда яшаб ўтган буюк шоир ва кураги ерга тегмаган полвон, хоразмлик Маҳмуд Паҳлавон номи абадий қолган. Ўзбекистонда қадимдан спортнинг миллий турларидан кураш, от спорти, камондан отиш, дорбоз ўйинлари кабилар анча ривожланган эди. Эндиликда Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорти оддий жисмоний машқ ва ўйинлардан замонавий олимпия спорт турларига қадар юксак тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Спорт ҳозирги жамиятнинг янада тараққий этишида ёрдам берувчи давлатнинг кудратли воситасидир. Мустақиллик йилларида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлиги янада кенгайди. Республика аҳолисининг катта қисми спортнинг ҳар хил турлари билан шуғуллана бошлади. Спорт билан бир қаторда мамлакатимизда спорт журналистикаси ҳам ривожлана бошлади. Спорт журналистикаси оммавий ахборот воситаларининг қай бирида бўлмасин, у хабар беради, қайта ишлаб таҳлил қилинган ҳолда ахборотни етказди, салбий ва ижобий мисоллар билан аудиторияни тарбиялайди. П.Воронковнинг фикрича, спорт газеталари бугун ва айни дамда муаммолар ҳақида ёзмайди, у инсондаги нохуш кайфиятни йўқотишга ёрдам беради ва фақатгина спорт журналистикаси дунёда тинчлик ўрната олади. Бу мутахассиснинг таъкидлашича: спорт журналистикаси 5 та асосий вазифани бажаради:

1. Эскейпизм.
2. Яхши кайфият улашиш.
3. Ахборот бериш.
4. Таҳлил қилиш.
5. Тарбия бериш.

Бугунги кунда спорт оммавий ахборот воситалари, айниқса, телевидение ва радиодастурлар аудитория учун яхши кайфият улаша олади. Чунки спорт журналистикаси хаваскор спортчиларни ҳам ҳисобга олган ҳолда ўз фаолиятини юритади². Спортга ихтисослашган нашрлар шу пайтга қадар кўп минг сонли аудиториясига эга бўлиб келган. Жумладан, 1936 йилги олимпиадани ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган немислар жаҳонда биринчи бўлиб телевидениедан ахборот воситаси сифатида фойдаланишган. Алоқа бўлимларида, махсус жиҳозланган хоналарда, меҳмонхоналарда, миллий шароитдан келиб чиқиб, пивохоналарда телевизорлар ўрнатилган. Бу – ТВдан дунёда биринчи марта бу қадар катта аудиторияга қарата сўз айтишда фойдаланилди.³ Иттифоқ даврида бу мавзудаги чиқишларга марказий телевидениеда кенг аҳамият қаратилар эди. Телевизион журналистиканинг репортаж жанри тарихига оид манбаларда шундай дейилади: “Россия телевидениесига мазкур жанрдаги чиқишлар дастлаб 1948 йил (Ленинград) ва 1949 йил (Москва)да кўчма телевизион станциялар пайдо бўлиши билан бошланган. Унда репортажнинг икки кўриниши мавжуд бўлиб – биринчиси шарҳсиз трансляциялар, иккинчиси кадр ортидан туриб шарҳланган спорт мавзусидаги репортажлар”⁴.

Дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари ҳаётига назар ташланса, спорт ва спорт журналистикасига алоҳида эътибор билан қаралади. Ривожланган давлатларда аудитория эҳтиёжларини қондиришга биринчи навбатда урғу берилади. Қайси йўналишдаги чиқишларга эҳтиёж баланд

² Гаффорова Н. Спорт ва журналистика. Электрон оммавий ахборот воситаларида маънавий-маърифий масалаларнинг ёритилиши: назария ва амалиёт(илмий мақолалар тўплами) – Т.: ЎзДЖТУ. 2012. - Б-125.

³ Борецкий Р.А. История телевидения:выбор точки отсчета. Вестник МГУ №2-2007.- С.9.

⁴ Каримов А.Аудиовизуал журналистика(тележурналистика). – Т.: ЎзДЖТУ. 2012.- Б.15.

бўлса, ўша соҳа ва тармоқлар учун махсус дастурлар тайёрланади. Бунда телевидение имкониятларидан тўла фойдаланилади. “Телевидение пайдо бўлиши билан оммавий ахборот воситалари тизимида сифат ўзгариши юз берди – инсоният ижтимоий ҳаёт воқеаларини бевосита кўриш имкониятига эга бўлди, ижтимоий онг билан ижтимоий борлиқ ўртасида энг қисқа ва қулай йўл барпо этилди, инсон онгига ва ҳис-туйғусига таъсир этишнинг ишончли воситаси вужудга келди”.⁵ Инсон онги ва ҳис-туйғусига таъсир этишда мисли кўрилмаган ҳодиса олиб келган телевидение ҳаётимизга кириб борар экан, Х.Дўстмуҳаммад таъбири билан айтганда: “Оммавий ахборот воситалари” тушунчасининг ўзи йил сайин янгиликларга тўлиб-тошиб бормоқда. “Анъанавий журналистика” деганда одатда газета ва журналлар, яъни, босма оммавий ахборот воситалари назарда тутилади. Лекин ХХ асрнинг ўрталаридан радио ва тележурналистика мисли кўрилмаган даражада тараққий этгани, матбуотнинг бу “майдони”да ҳам ўзига хос муаммолар етарли эканлиги аниқ”.⁶ Телевидениеда мавзулар хилма-хиллиги ортиб борди. Каналлар сони кўпайди. Янгиликлар тақдим этувчи, мусиқий ва кино намоиш қилувчи каналларда ўзига хос муаммолар урчиб ётибди. Мусиқий ва киноканаллар орқали **“оммавий маданият”** тарғиб қилинаётган бўлса, янгиликлар каналлари тезкор чиқишлар билан бирга, ноҳолис позициялардан туриб **“ахборот хуружи”** билан шуғулланаётгани ҳақида баҳс-мунозара ва тортишувлар бўлиб ўтяпти. Спорт каналлари бошқа йўналишдаги каналлар орасида холис ўрин тутаётганини қайд этиш керак. Спорт каналлари ишқибоз учун ишлайди ва улар учун намоиш этади. Эндиликда каналлар тармоқларга ажралиб кетди. Россиянинг НТВ Плюс компанияси тизимида ўнлаб спорт каналлари фаолият олиб боради.

“НТВ Плюс Спорт” канали Россиядаги биринчи ихтисослашган телеканал ҳисобланади. Телеканал дастурларида:

- жаҳон ва Европа чемпионатларидан махсус репортажлар;

⁵ ЎзМЭ.Т.:2004.-8 т.-340

⁶ Дўстмуҳаммад Х. Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва касб этикаси. Ўқув қўлланма. Т.: ЎзДЖТУ. – Б.82-83.

- мамлакатдаги энг яхши журналистларининг профессионал шарҳлари;
- кенг миқёсдаги халқаро турнир ва матчларнинг трансляциялари мунтазам бериб борилади.

Спортнинг барча – ҳоккей, баскетбол, фигурали учиш, бокс, сузиш, волейбол, бильярд каби турлари ўрин олган. Йилнинг энг яхши спортга доир тадбирлари намоёниш этиш ҳуқуқини ушбу канал қўлга киритган бўлиб, бошқа бирор канал у билан рақобатга кириша олмайди. НТВ-ПЛЮС Спорт пакетида Спорт, Суперспорт, НТВ-ПЛЮС Шарқ каналлари ҳам қиради. Дастурлар 24 соат давомида рус тилида олиб борилади.

НТВ Плюс Спорт он-лайн ихтисослашган канал бўлиб, тўғридан-тўғри трансляциялар олиб боради. Канал 2004 йил январда ўз фаолиятини бошлаган. Жаҳоннинг турли мамлакатларида бўлиб ўтаётган футбол, бокс, ҳоккей, волейбол, фигурали учиш, баскетбол ва бошқа спортнинг бошқа турлари бўйича ташкил этилаётган мусобақалар тўғридан-тўғри эфирга узатилади. Спорт он-лайн канали ўз томошабинлари учун энг сўнгги спорт хабарларини етказди. Канал чемпионлар номини ва турли матчлар натижаларини биринчи бўлиб билиш имкониятини беради. Спорт он-лайн пакетида **Спорт, Суперспорт, НТВ-ПЛЮС Шарқ каналлари** ҳам қиради. Дастурлар 24 соат давомида рус тилида олиб борилади.

“НТВ Плюс” спутник телекомпанияси 2006 йил март ойида Россия федерациясининг шарқий қисмига қараб кенгая бошлади. “НТВ Плюс Восток” пакети доирасида шарқда яшовчи аҳоли 40 та канал кўрсатувини кўриш имконига эга бўлди. Уларнинг асосий қисми спорт ва киноканаллардан иборат эди. “НТВ плюс спорт Восток”, “НТВ плюс спорт онлайн”, “НТВ плюс футбол”, “НТВ плюс теннис”, “НТВ спорт классика” спорт каналлари шарқликлар хонадонига кириб боради. 2006 йилнинг март ойида ташкил этилган икки канал “НТВ плюс наш футбол”, “НТВ спорт классика” ҳам томошабинларнинг қисқа муддатда севимли каналига айланди.

“НТВ спорт классика” каналида собиқ иттифоқ ва Россия спорти

тарихи, ривожланиши ҳақида сўз юритилади. Спортга оид энг яхши воқеалар нафақат ўша замонда яшаганлар хотирасида, балки телевидениенинг архивдаги видеотекаларида ҳам сақланмоқда. Архивда сақланаётган энг яхши спорт мусобақалари, ғалабали онларни эслатувчи видеоёзувлар ана шу каналда намоиш этиб борилади. Албатта бу йўналишда фаолият бошлаган канални айниқса ўша даврда яшаган одамлар севиб томоша қиладилар ва ўз ёшлик дамларини хотирлайдилар. Қолаверса, ёш авлод ҳам бу мусобақа, жанг ва кўрсатувларни кўриб буюк спорт чемпионларининг эришган ютуқларини кўриш бахтига муяссар бўладилар. Кўрсатувлар рус тилида, 24 соат эфирга узатилади.

Бутун дунёда энг оммавий спорт тури футбол эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Хусусан Россияда спортнинг баскетбол турига қизиқувчилар сони анчагина. Шуларни инобатга олган ҳолда, ишқибозлар учун **НТВ Плюс спорт НБА – ТВ** канали иш бошлади. Канал жаҳоннинг кучли лигалари ўйинларини трансляция қила бошлади. Унда бериладиган дастурлар:

- доимий ўтказиладиган чемпионатлар;
- НБА архивда сақланаётган энг яхши матчлар видеоёзувлари;
- “Легенда НБА”(“НБА афсонаси”) кўрсатуви;
- буюк спортчилар ва тренерлар ҳаётидан лавҳалар;
- баскетболга оид кундалик янгиликлар канал эфирларидан ўрин эгаллади.

Мазкур канал кўрсатувларининг йўлга қўйилиши бу спорт турига аҳоли ўртасидаги қизиқишни оширди. Қизиқувчи(фанат)лар учун 70-йилларнинг энг яхши мусобақаларининг намоиш этилиши катта совға эди. Энг эсда қоларли дақиқалар, баскетболчиларнинг кўрсатган қаҳрамонликларини экран олдида ўтирган томошабин қувонч билан томоша қила бошлади. Ишқибозлар учун 24 соат давомида фақат баскетбол ҳақида гапирилади. Эфирлар рус тилида олиб борилади.

“Eurosport 2” – Европа спорт канали ҳисобланади. Каналда маҳоратли профессионал журналистлар, шарҳловчилар, корреспондентлар,

режиссёрлар иш олиб боришади. Информацион характердаги дастурлар билан бир каторда таҳлилий кўрсатувлар ҳам тайёрланиб, эфирга узатилади. “Eurosport 2” характерли томони юқори маҳоратга эга бўлган журналистлар ва спорт дастурларининг берилишидир. Маҳорат масаласига каналда алоҳида аҳамият билан қаралади. Каналда фристайл, чим устида ҳоккей, сноуборд, баскетбол, велоспорт, спортнинг экстремал турлари ва бошқа йўналишдаги дастурлар намойиш қилитнади. Бу канал ҳам 24 соат давомида эфирга узатилади ва эфирлар рус тилида олиб борилади.

“НТВ плюс теннис” канали 2006 йил февраль ойида ўз фаолиятини бошлади. Янги спорт каналида теннис мусобақалари намойиши йўлга қўйилди. Жаҳон теннис кортларида бўлиб ўтаётган энг яхши спорт мусобақалари ишқибозлар диққатига ҳавола этила бошлади. Канал 16 соатли режимда ишлайди ва эрталаб соат 10:00дан тунги соат 01:00га қадар эфирга чиқади. Дастурлар тўғридан-тўғри ва ёзиб олинган ҳолда ҳам узатилади. Каналда НТВ Плюснинг спорт редакцияси шарҳловчиларлари, машҳур Россия теннисчилари Анна Дмитриева, Александр Метревели, Евгений Кафельников, Лиина Красноруцкаялар ҳам иш олиб бордилар. Канал дастурларидан:

- шарҳлар(обзорные программы);
- чемпионлардан ва куннинг нисбатан қизиқарли ўйин кўрсатган ўйинчиларидан интервьюлар;
- комментаторлик репортажлари;
- таҳлилий кўрсатувлар телекомпания томошабинларининг канал ҳақидаги фикр-мулоҳазаларига бағишланган махсус дастурлар ҳам мунтазам равишда эфирга узатилади.

“НТВ Плюс футбол” канали Россиядаги ягона етакчи футбол намойиш этувчи канал ҳисобланади. Каналда

1. Жаҳон чемпионати ўйинлари;
2. Европа чемпионати ўйинлари;
3. Лотин Америкаси чемпионати ўйинлари;

4. Англия миллий чемпионати ўйинлари;
5. Германия миллий чемпионати ўйинлари;
6. Италия миллий чемпионати ўйинлари;
7. Испания ва бошқа мамлакатлар миллий чемпионатлари олиб кўрсатилади.

Шунингдек канал дастурларини тайёрлашда эътибор бериладиган бир канча жиҳатлар мавжуд бўлиб, энг аввало жаҳон ва дунёнинг турли бурчакларида бўлиб ўтаётган шиддаткор футбол ўйинларининг ҳафталик обзорлари намойиши, футбол энциклопедияси, жаҳон ва мамлакат футбол ўйинларида эсда қолган Олтин голлар ва бошқалар асосий ўринни эгаллайди. Каналда “Свободный удар” (“Эркин зарба”), “Наш футбол”, “Футболный клуб”, “Футбол мундиал”, “2:1” каби кўрсатувлар тайёрланади. Уларнинг барчаси футбол ҳақида ва футбол мавзусида бўлиб, ҳам қизиқарли, ҳам томошабинбоп.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳам спорт соҳасида қатор ишлар амалга оширилиши билан биргаликда спорт журналистикаси ривожланиб борди. Халқаро спорт майдонларида, профессионал рингларда, теннис кордларида бўлаётган мусобақаларга аҳолининг қизиқиши ўсиб бормоқда. Минглаб томошабинлари бор каналларнинг дастурлари сифатини ва савиясини янада кўтариш учун ҳар бир таҳририят тинимсиз ҳаракат қилади. Булар орасида энг оммавий бўлган спорт тури футбол ҳисобланади. Шунинг учун ҳам футбол каналлари нисбатан кўп. Спортга ихтисослашган каналларнинг аксарият кўрсатувлари футбол мусобақаларига эътибор қаратади.

Ўзбек тилидаги спорт шарҳлари 1956 йил бошланган. Тошкентнинг “Пахтакор” жамоаси ташкил этилиши ва шу номдаги стадионнинг ишга туширилиши сабаб, ўзбек мухлислари учун ўйинларни шарҳлаб борадиган журналистларга эҳтиёж туғилди. Натижада, Ўзбекистон радиоси спортни нафақат яхши тушунибгина қолмай, уни оммага шарҳлаб бера оладиган кишилар ўртасида танлов ҳам эълон қилинди. Деярли бир ой давом этган

ушбу танловда 26 номзоднинг орасидан икки нафари ўзбек тилида А. Имомхўжаев, рус тилида эса Роман Турпишев ғолиб деб топилган. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам биринчи футбол шарҳловчиларидан эди. Шарҳлар 1961 йилдан эътиборан телевидение миқёсига олиб чиқилгач, спорт журналистикаси тармоқлари ҳам кенгайиб борди.

Мамлакатимизда футбол мусобақаларининг асосий ўйинлари аксарият ҳолларда тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Тошкент тарихида “Пахтакор” футбол жамоаси ғалабаси нишонланган тарихий саналар кўп. Аммо, 1961 йил 20 апрель куни бўлиб ўтган “Пахтакор” – МАСК(Москва) учрашуви сеvimли жамоа ғалабаси билан яқунланган. Футбол ишқибозлари билан тўлиб тошган “Пахтакор” Марказий стадионидаги бу чиройли ғалаба республикамизнинг деярли барча барча хонадонларига кириб борди. Айнан шу куни Ўзбекистон телевидениеси ўз тарихида биринчи марта футбол учрашувини тўғридан-тўғри стадиондан олиб кўрсатди. Ниҳоятда чиройли, хавфли вазиятларга бой, ҳар бир ўйинчининг майдонда жон куйдириб ҳаракат қилиши, бир-биридан чиройли киритилган голлар – буларнинг барчасини кадрдан ишқибозларга ҳикоя қилиб бериш шарҳловчилар Ахбор Имомхўжаев ва Роман Турпишевларга насиб этган. Демак бу кунни тарихий кун деб бемалол айтиш мумкин. Тўғридан-тўғри футбол репортажининг берилиши ва шарҳланиши Ўзбекистонда спорт тележурналистикасига кўйилган дастлабки қадамлар эди. Мустақиллик йилларида ҳам бу соҳа кенг қулоқ ёзди. Ўзбекистонда спорт журналистикаси ривожланишини бир қанча жиҳатларда кўрсатиш мумкин.

Энг аввало, жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг ҳуқуқий асослари яратилди. Бу йўлда қилинган дастлабки хайрли иш “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”, “Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида”, “Оммавий спорт

тарғиботини янада кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари бу соҳада оммавий ахборот воситалари ва журналистлар олдига бир қанча вазифаларни юклади. Мамлакатимизда футбол ривожлантириш бўйича бир неча марта қарорлар қабул қилинди. 2011 йил 19 январдаги қарор эса мамлакатда футболни ривожлантириш йўлида қўйилган яна бир улкан қадам бўлди.

Мамлакатда мустақилликка қадар ва ундан кейинги даврда спортни ёритишдаги аҳвол ҳақида таниқли футбол шарҳловчиси А.Имомхўжаев шундай ёзади: “Агар биз бир вақтлар спорт ва жисмоний тарбия соҳасида фақатгина “Ўзбекистон физкультурачиси” газетасига эга бўлсак, жонажон юртимиз ўз мустақиллигига эришгач, бу соҳада қатор янги нашрлар ўз фаолиятларини бошлашди. Улар орасида айнан футбол мавзусига бағишланганлари тезда чарм тўп мухлислари томонидан катта қувонч билан кутиб олинди. Серқуёш ўлкамизда сўнгги йилларда бир-биридан қолишмайдиган футбол нашрлари пайдо бўлдики, уларнинг ҳар бир сонини мухлисларимиз сабрсизлик билан кутишади”⁷. Нафақат футбол нашрлари, балки бошқа теннис, курашга ихтисослашган махсус нашрлар ҳам пайдо бўлди. Уларнинг аксариятини хусусий нашрлар ташкил қилади. Масалан, “Ўзбекистон футболлари”, “Чемпион”, “Футбол экспресс”, “Футбол тайм”, “Футгол”, “Чемпион” “Футбол-инфо”, “Футбол-экспресс”, “Интерфутбол”, “Футбол оламида” каби нашрлар. Вилоятларда ҳам спортга ихтисослашган махсус газеталар пайдо бўлиши кузатилди. Жумладан, Бухоро вилоятида Бахтиёр Асадов муҳаррирлигида “Бухоро спорти” деб номланган ихтисослашган чоп қилинди.

Учинчидан, мамлакатда спорт мавзусида ёзмайдиган, хабар ва янгиликларни бермайдиган бирор-бир матбуот нашри йўқ. Қолаверса анъанавий тарзда “Ўзбекистон футболлари”, “Спорт” газеталари соврини учун журналистлар ва оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ўртасида мунтазам равишда мини турнирлар ташкил этилмоқда. Шахмат бўйича турли

⁷ Имомхўжаев А. Мафтунингман футбол. Т.: “Шарқ”НМАК. 2004. – Б.94.

номлардаги махсус турнирлар ташкил этиш ҳам анъана тусини олмоқда. Жумладан, бунга публицист Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов хотирасига бағишланган махсус турнирни мисол сифатида келтириш мумкин.

Тўртинчидан, футболни тарғиб қилишда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси орқали “Футбол шарҳи”, “Турдан тургача”, “Олам футболи”, “Миллионлар ўйини”, “Футбол плюс”, “Соккер клуб”, ФИФА, “Интер футбол”, “Гол”, “Бизнинг футбол”, “Биринчи лига” кўрсатувлари тайёрланиб келинди ва уларнинг айримлари ҳозиргача намойиш этилмоқда. “Давр”, “Ахборот”, “Пойтахт” ахборот дастурлари, “Ассалом Ўзбекистон!”, “Салом Тошкент!” сингари кўрсатувларда нафақат футбол олами, балки Ўзбекистон ва жаҳон спортга оид кўплаб чиқишлар йўлга қўйилди.

Бешинчидан, республика радиосининг “Радиойўқлама”, “Футбол оламида”, “Футбол – менинг ҳаётим” каби эшиттиришлари номини айтиш мумкин. Бу эшиттиришлар айнан спорт мавзусида бўлиб, уларни спортни севадиган иқтидорли ёшлар тайёрлаб, тингловчиларга тақдим этаётганини қайд этиш жоиз. Миллий телерадиокомпания таркибидаги каналларда олиб борилган ислохотлар натижасида “Спорт” телеканали билан “Машъал” телеканали бирлаштирилиб, “Спорт” телерадиоканали ташкил этилди. “Машъал” радиоканали бу ўзгаришлардан сўнг ўз дастурлари мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартириб, спорт эшиттиришлари эфир вақти ва салмоғини оширди. Отабек Эшмаматов, Норбек Ниёзов сингари ижодкорлар радио соҳасида самарали фаолият олиб боришмоқда.

Олтинчидан, нодавлат радиоканаллар ҳар соатда дунёда ва Ўзбекистонда рўй бераётган спортга доир энг сўнгги янгиликларни тингловчиларга тақдим этиб келмоқда. Нодавлат радиолар орасида “Наврўз” радиоканалининг бошқа каналлардан фарқли битта хусусияти шунда намоён бўладики, спорт мавзусига алоҳида эътибор қаратилади. Бошқа радиоканаллар эфирларида спорт мавзусига бағишланган спорт янгиликлари берилди. Аммо, соғлом турмуш тарзи тарғиботига, футбол таҳлили ва шарҳларига бағишланган

мукаммал, профессионал дастурлар мавжуд эмас. “Наврўз”да мунтазам эфирга узатиладиган “Футбол чорраҳаларида” эшиттириши бугунги кунда кўпчиликка маълум ва машҳур. Таниқли футбол шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаев ана шу эшиттиришнинг муаллифи ҳисобланади.

“Футбол чорраҳаларида” эшиттиришида қуйидагиларга асосий эътибор қаратилади:

1. Ўзбекистон ва жаҳон футболи ҳақидаги маълумотлар.
2. Машҳур футболчилар ҳаёти.
3. Жаҳон футболи шарҳлари.
4. Ўзбекистон футболи муаммолари.
5. Мураббийлар ҳақида мукаммал ахборотлар.

Таниқли футбол шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаев радиоканалда эфирга узатиладиган спорт янгиликларига ҳам масъул ҳисобланади. Шу туфайли чиқишларнинг сифати ошиб, оммабоплигига эришилаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Еттинчидан, спорт журналистикаси соҳасига ихтисослашган журналистлар жамоаси пайдо бўлди. Шарҳловчилардан Мирзаҳаким Тўхтамирзаев, Даврон Файзиевлар номини алоҳида тилга олиш мумкин. Футбол журналистикаси соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган Ойбек Юнусов, Толибжон Қосимов, Вячеслав Иванов, Темур Низаев, Дилшод Исроилов, Ҳайдар Носиров, Озод Ражабов, Григорий Ртвеладзе, Абдулҳафиз Абдулҳамидов, Мўйдинжон Собитов, Юрий Литвинов, Бахтиёр Қамбаровларнинг қизиқарли ва таҳлилий мақолалари, Владимир Сафаров, Тўлқин Юнусов, Анвар Охунов, Вадим Кочнев, Ҳабибулло Исоқов, Ҳошимжон Алимов, Азизали Мирзаалиев, Рустам Қамаровларнинг бири-биридан мароқли китоб ва дастурлари, Давлат Турдиалиев, Мурод Ризаев, Ҳусан Темиров, Раҳмонқул Болтаевларнинг ғоятли жозибали телерепортажлари, Абдумутал Қодиров, Отабек Эшмаматов, Бахтиёр Асадов, Зокир Йигиталиев, Ашурали Маматовларнинг радиода жўшқин сўзлашлари, Раббано Раҳмонов, Баҳром Ҳамроев, Олимжон Хоназаров, Баҳодир

Бекжонов, Абдували Ортиқов каби стадионларимиз суҳандонларининг ўз соҳаларини мукамал ўзлаштириб олганликлари – буларнинг барчаси футболга бўлган эътиборнинг ошиб бориши деб баҳоланади. Жонкуяр спорт журналисти Алла Тазетдинова “Пахтакор-79” ҳақида ҳужжатли фильм, сўнгра китоб ёзганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Саккизинчидан, Ўзбекистон миллий кураш федерацияси, Ўзбекистон футбол федерациялари ёнида матбуот хизматлари ўз фаолиятини самарали олиб бормоқда. Йирик футбол мусобақалари, Осиё ва Жаҳон чемпионатига саралаш ўйинлари, ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги футбол мусобақалари, Олий лига жамоалари ўртасида Ўзбекистон Миллий чемпионати ўйинлари олдидадан матбуот анжуманлари ташкил қилиняпти. Олий лигада ўйнайдиган профессионал футбол клублари ўз матбуот хизматларига эга бўлдилар. Ҳар ўйиндан сўнг хулоса, жамоа тактикаси, йўл қўйилган камчиликлар ҳақида ҳар икки жамоа мураббийлари ва футболчилар иштирокида матбуот анжуманлари ташкил этишда ахборот хизматларининг ўрни беқиёс. Жамоалар мусобақасининг бориши, жамоа таркиби, жамоани тарғибот-ташвиқот қилишда матбуот хизматларининг ўрни ва роли тобора аҳамият касб этмоқда.

Тўққизинчидан, бутунжаҳон Интернет тармоғида спорт нашрлари, федерациялар, жамоалар ўз сайтларига эга бўлдилар. Айни пайтда бу сайтлар самарали фаолият олиб бормоқда. Уларда нафақат спорт оламидаги дунё янгиликлари, таҳлилий-танқидий руҳдаги мақолалар, форум ва бошқа махсус лойиҳалар бериб борилмоқда. Интернетда спорт журналистикаси шиддат билан ривожланиб бормоқда. Ўзбек футбол журналистикаси ҳам бу жараёндан ортда қолмасликка ҳаракат қилмоқда. Футболга ихтисослашган сайтлар номини келтириш мумкин. Қуйида уларнинг рўйхатини келтирмоқчимиз.

- 1) www.uff.uz Ўзбек Футбол Фанатлари сайти
- 2) www.uzfootball.com Ўзбекистон Футбол Федерацияси расмий сайти
- 3) www.uz-football.vo.uz Ўзбекистон футбол янгиликлари

4) www.interfutbol.uz"ИнтерФУТБОЛ" газетаси расмий сайти

Футбол клублар расмий сайтлари

5) www.pakhtakor.uz"Пахтакор" ФК

6) www.fcneftchi.uz"Нефтчи" ФК

7) www.fcandijon.uz"Андижон ЎзДэу-Авто" ФК

8) www.fkmashal.com"Машъал" ФК

Фан сайтлар

10) www.manutd.uz"Манчестер Юнайтед - Ўзбекистон"

11) www.lokomativ.ucoz.ru"Локомотив" Тошкент фан сайти

12) www.sam-dinamo.vo.uz"Самарқанд-Динамо" фанатлари сайти

13) www.fc-arsenal.vo.uz"Арсенал-Центер" - фанатлар сайти

14) www.fc-navbahor.narod.ru"Навбахор-Н" фан сайти

Булар орасида www.uff.uz веб-сайти биринчилардан бўлиб футбол фанатларининг "бошини қовуштирди" ва ҳозирда етакчи веб-сайтлардан бирига айланди. Сайтга ҳавас қилиб, ўзининг шахсий веб-сайтларини очиб, кўлдан келганча футбол мухлисларига беминнат хизмат қилаётган жонкуярларнинг кўпаяётганлигини таҳсинга лойиқ. Ҳозирга келиб, футболга ихтисослашган веб-сайтларнинг сони ўсган. Улар ўртасида катта рақобат бор деб бўлмади, аксинча, бу сайтлар бир-бирларининг ўрнини тўлдирган ҳолда, ўзбек футбол фанатларининг чанқоғини қондиришга хизмат қилишмоқда.

www.euro-futbol.uz сайти 1 йил давомида мухлисларга холис хизмат қилди. Веб-сайт профессионал кўринишга эга бўлмаса-да, маълумотларнинг кўплиги билан ўз мухлисларига эга эди. Ушбу сайт асосчиларидан бири - Санжар Муллаев ўз вақтида www.uff.uz'нинг энг фаол иштирокчиларидан бири эди. У бундан 2 йил аввал www.uff.uz администраторига айланишни орзу қиларди. С.Муллаев ўз устида узоқ ишлади. Аввал, www.euro-futbol.ucoz.ru, кейинчалик www.euro-futbol.uz сайтга асос солиб, ушбу сайтларда ўз малакасини оширди. Ўзига яқин ҳамкорларни бу ишга жалб қилди. Бу ишларда унга маслаҳатлар бериб турилди. Бундан бир неча ой илгари www.euro-futbol.uz сайти бутунлай

ёпилиб, алоҳида-алоҳида 2 та мустақил сайт вужудга келганди. Бир муддат вақт ўтгач сайт ижодкорлари яна қайтадан бирлашишди ва номи uff.uzга синоним бўлган www.fanat.uz сайтини очишди. Ҳар ҳолда энди сайтнинг номи қисқа ва лўнда кўринишга эга бўлди.

www.euro-futbol.uz сайти футболга ихтисослашган эди. Ўзбек ва жаҳон футболлари янгиликлари, энг муҳим ўйинлардан матнли онлайн репортаж қилинди (сифати борасида ҳозирча мақтаниб бўлмасди), Миллий чемпионатимизнинг ҳар бир туридаги барча ўйин натижалари онлайн ҳисоб шаклида мухлисларга етказишга ҳаракат қилинди. Шунингдек, футболга оид турли хил таҳлилий, танқидий, мантиқий ва яна бир қанча бошқа мавзудаги мақолалар ҳам чоп этилди. Бундан ташқари сайтда футболга дахлдор бўлган бошқа манбаларда чоп этилган материаллар муаллифлик ҳуқуқига риоя қилинган ҳолда жойлаштирилди. Ўтган вақт мобайнида сайтда рўйхатдан ўтган аъзоларининг сони ошиб бораётган бўлса, ҳар куни 3000-3200га яқин фойдаланувчи сайтга ташриф буюрар экан. Сайтда баъзи хатолар, камчиликлар ҳам мавжуд. Аммо, футбол ҳақидаги энг қизиқарли мақолалар, қарашлар, фикр-мулоҳазалар ҳам сайтдан ўрин эгаллай бошлади. www.fanat.uz сайти - Ҳақиқий футбол ишқибозлари сайти сифатида интернетда намоён бўлади. Интернетда спорт журналистикаси алоҳида соҳа сифатида ривожланишда давом этмоқда. Футболга оид энг муҳим суҳбат ва баҳслар айнан интернетда бўлиб ўтмоқда. www.uff.uz сайтида мухлислар саволларига Д.Турдиалиев, С.Шарипов, Н.Ниёзов, О.Эшмаматов, Д.Файзиев кабилар жавоб бериб келишмоқда.

Соҳадаги энг катта ўзгариш спорт журналистикаси соҳасида кадрлар тайёрлашга киришилганидир. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида “Спорт журналистикаси” бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Лекин, бу билан муаммо ҳал бўлиши қийин. Кейинги фаслда фикрларни давом эттирамиз.

1.2. “Спорт” телеканалли: мақсад, мазмун ва муаммолар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги “Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига биноан “Спорт” телеканалли ташкил этилган. Ўзбекистон телевидениеси таркибида фаолият олиб борувчи “Халқаро телеканал” “Спорт” телеканаллига айлантирилди. Каналнинг энг асосий мақсадлари:

- аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтириш;
- болалар спортини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш;
- миллий спорт турларини тарғиб қилиш;
- халқаро сахналарда юртдошларимиз иштироки ва ютуқларини мунтазам ёритиб бориш деб белгиланди.

“Спорт” телеканалли кўрсатувлари 2004 йил 1 январдан 6 соат ҳажмда, апрел ойидан бошлаб 8 соат ҳажмда эфирга узатила бошланди. “Спорт” телеканаллида кўрсатувлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. 150 дан ортиқ ходим фаолият олиб боради. Телеканалда бундан ташқари режалаштириш, теледизайн, спутник, дубляж, эфирга узатиш, тасвирчилар, овоз режиссёрлари бўлимлари мавжуд.

Спорт журналистикаси одамдан катта билим ва соҳага бўлган муҳаббатни ҳам талаб қилади. Компания раҳбарияти бу масалага алоҳида эътибор билан қаради. Яъни, спорт журналистикаси бўйича ўз фикрига эга, турли таҳририятларда фаолият олиб борувчи, соҳа бўйича маълум кўникмаларга эга ёшларни телевидение ишига жалб қилди. Мисол учун, радио соҳасида иш олиб борувчи Олимжон Турдибоев каналнинг бош кўрсатуви “Хабарлар” информацион дастурининг бошловчиси сифатида танилди. Даврон Қобуловнинг чиқишлари, футбол шарҳлари, “Спорт-уик-энд” дастуридаги фаолияти томошабинлар меҳрини жалб қилди. Ахборот дастурларини бошловчилар Нилуфар Сотиболдиева, Лайло Рустамова, Дилшодбек Тўхтабеков, Зоҳид Каримов сингари ёшлар олиб бориб

томошабинлар меҳрини қозонишди.

Дастлабки йилларда юртимиз ва жаҳонда бўлиб ўтган йирик мусобақаларни мухлисларга етказиб беришда Мирзаҳаким Тўхтамирзаев, Ақром Тошхўжаев, Азим Алиев, Комил Жумаев, Қўзижон Ҳакимов, Элдор Мустафоев каби ижодкорлар самарали фаолият юритдилар. Аммо, вақт ўтиши билан айрим лойиҳалар ва уларнинг муаллифлари телевидение соҳасидан баъзи сабабларга кўра четлатилди. Ваҳоланки, уларнинг бу соҳада тажрибаси бор эди. Айни пайтда “Спорт” телеканалида ўзбек ва рус тилларида “Хабарлар” ахборот дастури, “Болалар спорти”, “Кураш”, “Проф-РИНГ”, “Шарқ яққакурашлари”, “Футбол шарҳи”, “Турдан тургача”, “Статья ближе”, “Ташриф”, “Брейн ринг”, “Қувноқ стартлар”, “Баҳодирлар ўйини”, “От спорти”, “Аптека слушаёт”, “Тайм аут”, сингари кўрсатувлар эфирга узатиляпти.

“Спорт” телеканали билан қўшилган “Машъал” радиоканалида ҳар ярим соатда 5 дақиқадан янгиликларни эфирга узата бошлади. Кунига 4 маротаба “Спорт” хабарлари ҳам эфир юзини кўра бошлади. “Машъал” радиоканали олдин фақат бир соат “Давр садоси”да жонли эфирга чиққан бўлса, бир неча йилдан бери ижодкорлар 8:00-18:00га қадар жонли равишда эфирга чиқиб, ўз эшиттиришларини олиб боришмоқда. “Машъал” мусиқий-ахборот канал сифатида кўпчиликка маълум эди. Мазкур ўзгаришлардан канал эшиттиришлари доираси янада кенгайди. Янги радиоўйинлар ва викториналар билан дастур анча бойиди.

Бугунги кунга келиб “Спорт” телерадиоканали республикамизнинг 94,5 фоиз ҳудудини қамраб олган. Юртимизда жисмоний тарбия ва спортга қаратилаётган эътибор ҳамда аҳолининг соғлом турмуш тарзига катта қизиқиши телеканал аудиториясининг қанчалик кенг эканлигидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, телеканал ижодкорларига катта масъулият юклайди.

Мамлакатимиз ва хорижда рўй берган энг муҳим воқеаларни тезкорлик, аниқ фактлар асосида мухлисларга етказишда асосий масъулият

“Хабарлар” бош муҳарририяти зиммасида. Дастлабки йилларда “Хабарлар” инфор­мацион дастури ўзбек ва рус тилларида кеч соат 18:30 ва 21:30 да эфирга узатилган бўлса, жорий йилдан бошлаб эрталабки ва кундузги дастурларда ҳам спорт оламидаги сўнгги “Хабарлар”дан воқиф бўлиш мумкин. Бундан ташқари, эндиликда дунёнинг энг йирик спорт мусобақаларида телеканал ижодкорлари ҳам бевосита иштирок этиб, ҳар бир янгилик ҳақида воқеа содир бўладиган жойдан оператив равишда “Хабарлар” дастури учун маълумот беришяпти. Телеканалда “Мухбирлар тармоғи” бўлими ҳам фаолият кўрсатаётган бўлиб, бу ҳам ўз навбатида, кўрсатувлар географиясини янада кенгайтишида муҳим омил бўлмоқда. Жойлардаги мухбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларида спорт соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, барпо этилаётган спорт иншоотлари ҳамда жойларда ўтказилаётган турли даражадаги мусобақалар ҳақида нафақат “Хабарлар” инфор­мацион дастури, балки ҳар ҳафта эфирга узатиладиган “Вилоят спорти” махсус кўрсатуви орқали ҳам ёритиб бормоқдалар.

“Болалар спорти, оммавий спорт ва халқ ўйинлари” бош муҳарририяти ходимлари ҳам янги лойиҳаларни телетомошабинлар эътиборига ҳавола этишни мақсад қилганлар. Бугунги кунда республикаимизнинг нафақат туман ва шаҳарлар, балки энг чекка ҳудудларида жойлашган қишлоқ ва овулларида ҳам жаҳон андозалари даражасидаги болалар спорти мажмуалари барпо этилиб, келажагимиз эгалари ихтиёрига топширилмоқда. Бу борада тайёрланаётган кўрсатувлар асосан ёшлар учун бўлиб, эфирга узатиладиган ҳар бир кўрсатув мазмунан бойлиги билан бирга содда ва қизиқарли чиқиши таъминланмоқда. Қишлоқлардаги ўзгаришлар, спорт майдонлари ва иншоотларининг барпо этилиши ҳам, бу борадаги чиқишлар ҳам қувонарли ҳолат. Аммо, бу барчаси кўнгилдагидек, муаммо йўқ дегани эмас-ку! Қишлоқдаги муаммолар ҳақида ким ёзади? Қишлоқдаги спорт майдончаларига, биноларга хўжайинлик қилаётганлар ёшларни у ерларга киритмаётгани, аҳволи оғирлашиб қолса тепадан гап эшитамиз қабилидаги

гаплар қулоғимизга чалиниб қолади. Хўш, бу масала билан ким қизиқади? “Спорт” канали ижодкорларининг бу мавзулардаги чиқишлари қачон уюштирилади?

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг ҳар бир жабҳасида жуда муҳим ўрин тутди. Айниқса, футбол нашрлари кўпчилик муштарийларнинг эътиборига тушиб бўлди. аммо “зангори экран” фаолиятида муаммолар бор. Маълумотларга кўра, ҳозирда “Спорт” телеканали ўзининг яхшигина мухлисига эга бўлса-да, лекин мазкур канал республикамизнинг айрим ҳудудларида умуман кўрсатмайди. Хусусан, Самарқанд вилоятининг айрим туманларига сигналлар сифатли етиб бормади ё умуман кўришнинг иложи йўқ.

“Вилоятнинг Ургут тумани тоғ ён-бағрида жойлашган Тегирмонбоши, Ўрта ва Бош Терсак, Тўртинчи Терсак, Қоратепа, Қизилбоши, Қўзичи, Севаз ва Омонқўтон каби қишлоқларига тўлқин етиб бормаганлиги сабабли, бу ернинг аҳолиси “Спорт” телеканали кўрсатувларини кўришдан мосуво бўлишган. Буларни-ку қўятурайлик, ҳатто Ургут туман марказига яқин айрим қишлоқларда ҳам эфирнинг сифати қониқарли деб бўлмайди. Энг ачинарлиси, Ургут ва Тайлоқ туманларида Тожикистон Республикасининг иккита канали сифатли тарзда эфирга узатилади, лекин ўзимизнинг “Спорт” каналимиз кўрсатмайди”⁸. Мухбир худди шундай ҳолатни Нуробод туманининг баъзи қишлоқларида ҳам учратиш мумкинлиги ҳақида гапирган. Нурободлик футбол ишқибозлари миллионлар ўйинига шу қадар қизиққанлиги туфайли ишқибозлар “Спорт” телеканали хира-шира кўрсатадиган қишлоқларга бориб томоша қилишар экан. Очиғини айтиш керакки, айрим футбол кўрсатувларини миллионлар ўйинини ишқибозлари ҳар замонда айнан Тожикистон Республикаси телеканаллари орқали кўришига нима дейсиз?! “Спорт” телеканали ходимларининг ижодларини чеккага суриб, ҳеч ким билмайдиган, кўплар тушунмайдиган, баъзи

⁸ Норбўтаев Ф. Моҳияти бир муаммолар - fk.uz

шарҳларида ҳатто миллатчиликка борадиган Тожикистон телеканали журналистларининг шарҳини эшитишни алоҳида муаммо сифатида санайди.

“Спорт” телеканалани қанчалик мароқ билан томоша қилсанг, ундаги шарҳловчиларнинг оддий ҳолатдаги хатоларини кўриб шунчалик асаб бузилади. Айниқса, миллий терма жамоамиз ва клубларимизнинг халқаро майдондаги ўйинларини шарҳлаш жараёнида эҳтиросга берилиб кетадиган шарҳловчилар кўпол хатоларга йўл қўйишади. Лекин эҳтиросга сабаб бўлмайдиган ўйинларда ҳам ҳамкасбларимиз хатога йўл қўяётгани кишини ажаблантиради. Масалан, “Спорт” канали олий лиганинг 2-туридан ўрин олган “Шўртан”–“Навбахор” учрашувини намойиш қилди. Ҳаммаси яхши кетаётганди. Аммо бош ҳакам Ильгиз Танташев беллашув якунланганини билдирувчи хуштагини чалганида ўйинни шарҳлаган журналист “қовун туширди”. (Шарҳловчи ким эканлигини айтишни лозим деб билмадим). Хуллас, телевидениеда фаолият юритадиган ҳамкасбимиз телетомошабинлар билан қуйидаги сўзларни айтиб хайрлашди: “Учрашувнинг бош ҳаками Игорь Криушенко ўйинни якунловчи хуштагини чалди!”. Тўғри, инсон адашади, лекин бу даражада деб ўйламайман, яна билмадим. Ўзбекистон чемпионати ўйинларини бошқарадиган ҳакамлар рўйхатида Игорь Криушенко деган рефери йўқ. У янги йилдан бери “Шўртан” бош мураббийи ҳисобланади. Бу каби хатолар Мирзаҳаким Тўхтамирзаев, Давлат Турдиалиев ва ўзининг теран фикрлари билан ишқибозлар меҳрини қозонган Даврон Файзиев каби шарҳловчиларнинг узоқ йиллик меҳнатини кўкка совуриши мумкин.

Бу йил Осиё Чемпионлар лигасида учта жамоамизнинг иштирок этаётгани кўпчилигимизни қувонтиради. Нега, нима учун бизнинг футболда амалга ошираётган ислохотларимиз ўз натижасини бермаяпти? Шунча қилган ҳаракатларимиз бекор кетмоқда. Ахир футболнинг энг катта мутасаддилари келиб бизнинг ишларимиздан хурсанд бўлиб кетганди. Вилоятлардаги муаммолар ҳақида ҳам бош қотиришнинг вақти аллақачон етиб келди.

Назаримизда, федерация томонидан амалга оширилаётган ислохотлар фақатгина пойтахт атрофида кўриниш бермоқда. Республикаимизнинг қолган вилоятларида эса бунинг аксини кўришимиз мумкин. Кундан-кунга футболни назорат қилиш, унинг камчилигини аниқ ва равшан қилиб кўрсатиш йўқолиб бормоқда. Фақатгина спорт нашрлари уни ҳам қоғозга ўраб, монтаж қилиб эфирга бермоқда. Мана шундай ишлардан сўнг қандай қилиб бизнинг футболимиз ривожлансин?!

Бундан бир неча йиллар олдин ҳамкасбларимдан бири вилоят футболининг асл аҳволи хусусида бир-биридан чиройли кўрсатувлар бериб, ҳар бир вилоят футболига танқидий қараш қилиб, озми-кўпми ўша жойларда ўзгариш бўлишига туртки бўлганди. Қани, бугун ана шундай кўрсатувлар. Қани, асл пардани кўтарадиган ижод аҳли. Ҳартугул федерациядан битта мутахассис вилоят футболни ҳар бир жабҳасини эринмасдан ўрганса, ипидан игнасигача текширса, дарё-дарё камчиликларни кўриши турган гап.

Афсуски, ўзбек интернетда футбол атрофидаги воқеалар тўғрисида қанча-қанча гаплар айтилди, қанчалик куйиб-пишилди, аммо ўзгаришлар йўқ. Европа, Америка, Россия ва МДҲ баъзи давлатларида интернетда кўтарилган муаммолар дарҳол жамоатчилик, ТВ, радио ва ҳукумат доирасида муҳокама қилиняпти, бизда эса раҳбарлар интернетдаги муаммоларни умуман ўқишмаса керак, бўлмаса, ЎФФ ва ПФЛ борасида анча ўзгаришлар бўларди.

Телевидение дастурлари тасвирий воситалари билан томошабинларни ўзига жалб қила олади. Тасвирчилар зиммасидаги масъулият ҳам шунга яраша. Трансляция ҳақида гапиришдан олдин тасвирчиликнинг мураккаб жиҳатларини ҳам ёддан кўтармаслик лозим. У телеочерк бўладими, репортажми ёки портрет жанрида бўладими, тасвирчи профессионал даражада моҳир бўлмоғи керак. Чунки, унинг нигоҳи билан миллионлаб мухлислар фикр олади, жараённи илғайди. “Бирор-бир мусобақани эфирга узатиш пайтида режиссёр, тасвирчи ва шарҳловчининг ҳамоҳанглиги муҳим роль ўйнайди. Трансляция шунчаки камера олдида режиссёрнинг буйруғини

кутиб туриш эмас, балки уни керакли ҳолатларни томошабинга моҳирона етказиш санъати, деб биламан. Футбол репортажларида гол, жараёнлар ёки ҳакамнинг ўйин тугаганини билдирувчи хуштаги, мураббийнинг жамоаси ютқазаётганда ўйинни алам билан томоша қилиб туриши, шу каби киши илғамас ҳолатлар трансляцияни кичик санъат асарига айлантиради. Ҳар бир тасвирчининг ўз қараши бўлади. У томошабинга ёқдиган тасвирни танлайди. Ҳатто, ноқулай ҳолатда туриб бўлса ҳам, экран олдида турган мухлис нуқтаи назарини бойтадиган тасвирни яратади”⁹. Кейинги йилларда “Спорт” канали дизайни, режиссураси тубдан ўзгарди. Канал имиджида қатор ўзгаришлар содир бўлди. Режиссёр, тасвирчи, овоз режиссёри, шарҳловчи, кранчи мутахассислар фаолияти ҳам ТВ асарининг мукамал чиқишида алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса “Биз бир жамоамиз” шиори остида эфирга чиқиш ишқибоз-томошабинда жуда катта ҳиссиётни ҳосил қилади.

II БОБ. СПОРТ ЖУРНАЛИСТЛАРИ МАҲОРАТИ ВА ЖАНРЛАР

⁹ Мирдадаев Р.Тасвир драматургияга хизмат қилиши керак//“Садо” газетаси, 2007 йил 12 апрель

ТАҲЛИЛИ

2.1 Спорт кўрсатувларида қўлланилаётган асосий жанрлар ва маҳорат масалалари

Ўсиб келаётган ёш авлодни интеллектуал салоҳиятини оширишда, билим ва дунёқарабини кенгайтиришда оммавий ахборот воситаларининг, хусусан телевидениенинг ўрни жуда катта эканлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Телевидениенинг таъсир доираси анча кенг бўлиб, экранга чиқаётган ҳар бир телемахсулот, унинг бошловчиси, сериаллар тезда машҳурлик даражасига кўтарилади ва танилади. Ўзбек миллий телевидениесига сериал, кино ва мусиқий дастурларга кенг ўрин бериляпти. Кейинги йилларда ток-шоу жанридаги кўрсатувлар ва интеллектуал ўйинлар телевидение эфирларида кўпайди. Бугунги кунда ток шоулар ва интеллектуал ўйинларнинг ривожланганлик ва ҳамда кенг тарқалганлик хусусияти бизнинг мамлакатимизга қараганда Ғарб мамлакатларида юқорироқ ҳисобланади. Жумладан Россия телевидениесига ҳам бу икки йўналишдаги кўрсатувлар анча тараққий этган.

Маълумотларга қараганда, интеллектуал ўйинлар тарихи қадимги Юнонистонга бориб тақалади. Юнон файласуфларининг ўз шогирдлари билан савол-жавоблар ташкил қилганликлари тарихда муҳрланиб қолган. Даврлар ўтгани сари ўйинлар ҳам такомиллаша борган. Маслан, ўрта асрларда Европа мамлакатларида аукцион тарзидаги ўйинлар ташкиллаштирилган. Унда бир киши савол ўқиган ва ким биринчи жавоб берса, совға берилган.

20-асрнинг 80-йилларида Англия ва Францияда “Мантиқий ўйин” днб номланган, анчагина салоҳият талаб этадиган ўйинлар ўтказиб турилган. Унинг шarti қуйидагича бўлган. Саҳнада пантомимачи актёрлар томонидан машҳур ёзувчиларнинг асарларидан парча ижро этилган. Томошабинларга эга асар муаллифи, номи ва шу кўринишдан кейинги саҳна қандай бўлишини топиш вазифаси юклатилган. Орадан унча кўп вақт ўтмай Россия телеканалларида интеллектуал ўйин кўринишлари пайдо бўла бошлади.

Масалан, КВНда мантикий саволлар берла бошлади.

1978 йил Владимир Яковлевич Ворошилов томонидан Россия телевидениесига доимий клуб ташкил этилди. Унга алоҳида эфир ажратилди. Телевидение бу лойиҳага имконият берди ва қўллаб-қуватлади. Шунинг учунг ҳам “Что? Где? Когда?” кўрсатуви анча йиллардан буён ката экранлардан тушмай келмоқда.

В.Ворошилов ўлимидан сўнг клубни унинг ўғли Борис Крюк ўз қўлига олди. У кўрсатувга ҳам муаллифлик, ҳам пролюсерлик, ҳам режиссёрлик, ҳам бошловчилик қилди. Шу билан бирга ўйинда иштирок этаётганларга ўз ақли билан пул ишлаб топиш имкониятини берди. “Что? Где? Когда?” пул ишлашнинг ақлий йўлига айланди¹⁰. Миллий телевидениеда мазкур кўрсатув таъсирида “Заковат” интеллектуал ўйини пайдо бўлди. Кейинчалик, улар қаторида “Қилни қирқ ёриб”, “Интеллектуал аукцион”, “Зийрак”, “Интеллектуал ринг” каби ўйинлар қўшилди. “Спорт” телеканали дастурларини кузата туриб, узатилаётган халқаро спорт мусобақалари шарҳи, спортга доир кўрсатувлар орасида Ганишер Раҳматуллаевнинг “Брейн ринг” кўрсатуви алоҳида ўрин тутаётганини айтиб ўтиш жоиз. Унда турли ёш ва касбдаги иштирокчилар жамоа бўлиб ўйинда қатнашадилар. Эфирга узатилаётган ўйинда қуйидаги йўналишларда саволлар берилади:

- аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишнинг тарихий ва халқаро талаблари;
- спорт мусобақалари қонун-қоидалари;
- оммавий спорт ўйинлари мавзусидаги саволлар;
- миллий спорт турлари, халқ ўйинларига оид саволлар;
- жаҳон спорти тарихидаги ҳолат ва жанглар тўғрисидаги ўткир савол-жавоблар олиб борилади.

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш масаласи неча йиллардан бери энг муҳим вазифа сифатида қўйилмоқда. “Спорт” телеканали айнан шу мавзуда махсус кўрсатувлар ташкил этган. Жумладан, “Саломат

¹⁰ <http://www.nokia.ru> сайтидан – 20.03.2012

бўлинг!” кўрсатуви ҳар кун эфирга узатилади. Кўрсатувнинг 2012 йил 4 май сони таҳлиliga эътибор қаратмоқчимиз. Кўрсатув 5 та саҳифада эфирга узатилди. Булар

1. Бадантарбия инсон саломатлиги учун ҳисса қўшувчи энг муҳим омил саналади. Мазкур кўрсатув ижодкорлари ҳар куни тонгда айнан шу кўрсатув орқали бадантарбия машқларини тарғиб қилиб боришади. Бошқа саҳифалардан фарқли равишда, у ҳар кун берилади. Лекин, вақт жуда кам ажратилган. Саҳифа хронометражини биров ошириш лозим эди.

2. “Гўзаллик сирлари” саҳифасида олий тоифали шифокор Забаржад Аҳмедова юз терисини парвариш қилиш бўйича ўз маслаҳатларини берди. У кизил лойни перикс эритмаси билан қўшиб, ўзаро аралаштириб юзга сурилса, тери соғлом ва матункор бўлишини айтиб, бу усулдан нафақат қизлар балки йигитлар ҳам фойдаланиши маслаҳат берилди. Ниқобча 10 дақиқадан сўнг ювиб ташланишини айтди. Аммо, инсон танасига салбий таъсири бор-йўқлиги ҳақида ҳеч нарса демади.

3. “Ғайриоддий спорт турлари” саҳифаси ҳеч бир томошабинни бефарқ қолодирмаслиги тайин. Саҳифада қуйидаги спорт турлари тўғрисида гапирилди:

а) Бир ғилдирикли хоккей спорт тури сифатида дунё бўйича оммалашмаган бўлиб, Испания ва Буюк Британияда кенг тарқалгани айтиб ўтилди.

б) Ботқоқ устидаги футболни финляндияликлар хуш кўришаркан. Мусобақа учун махсус ботқоқлар жорий қилиниб, оёқлар лойга ботса ҳамки, ўйин давом этаркан.

с) Даладаги лабиринт. Ўйин номидан кўриниб турибдики, унинг лабиринт билан боғлиқлик томонлари бор. Бунинг учун ташаббускорлар маккажўхори даласини махсус экишаркан. Маккажўхори икки метрга бўй чўзганидан сўнг асосий ўинлар бошланиб, иштирокчилар баҳсга киришаркан. Илиқ кунлар тугагач, лабиринт ҳаммага ошкор қилинаркан.

д) Сеп атакрау. Оёқ волейболи бўлиб, шarti қўл волейболига ўхшаб

кетади. Бу ўйин айниқса Осиёда кенг тарқалган бўлиб Осиё ўйинларига ҳам киритилган.

4. “Болалар аллергияси” саҳифасида шифокор Шоҳида Абдусоатова аллергиянинг келиб чиқиши, сабаблари ҳақида гапириб, улар озиқ-овқат ва дори-дармонлар ҳамда ташқи муҳит таъсирида юзага келиши тўғрисида гапирди. Илк белгилар сифатида кўз ёшланиши, терининг қичиши кузатилади. Помидир, цитрус, шкалад аллергияни келтириб чиқарса, олма, банан, сут организм учун энг фойдали ҳисобланади. Аллергия оқибатида нафас сиқиш содир бўлиши ва ҳар хил касалликлар келиб чиқиши мумкинлиги тўғрисида ҳам гапирилди.

5. Сўнгги саҳифада кураш билан шуғулланувчи ёшлар ҳаётидан ҳикоя қилинди. Яккасарой туманидаги 48-мактабдаги кураш тўғараги ҳақида гапирилди ва мураббий Жамшид Раҳматов интервью берди. Сюжетда камчиликлар кўп:

- лавҳа олдида қўйилган мақсад йўқ, нима учун берилди ва омиллари нимадалиги аниқ бўлмагандан кейин муаллифнинг позицияси умуман сезилмайди;

- лавҳада диққатни тортадиган бирор топилманинг йўқлиги томошабинда ҳеч қандай қизиқиш уйғотмайди;

- мураббийнинг гаплари умумий мулоҳазалардан иборат бўлиб қолган, махсус кўрсатмалар берилмагани лавҳанинг сифатига ўз таъсирини ўтказгани кўришиб турибди;

- лавҳада факт ва далиллардан фойдаланиш суст: ҳарбий спорт синфлари ҳақида гапирилдими, нечта ўқувчи бор, қайси йўналишлар бор улар ҳақида тафсилотни чўзмасдан конкрет айтиш лозим эди;

Лавҳада диққатга сазовор бўлган битта жиҳати ҳарбий спорт синфларида ўқиётган болалардан олинган синхронлар аниқ, тушунарли ва қисқа берилганини оқлаш мумкин. Гарчи, анонсда берилмаган бўлса-да, кўрсатувда бадий гимнастика ҳақида ҳам гапирилди. Мураббий Вероника Есипова бадий гимнастика билан шуғулланишни истаган қизлардан

биринчи навбатда эгилувчанлик талаб қилиниши ҳақида гапирди. Сюжетда камчиликлар кўп. Жумладан, бу тўғарак қаердалиги ҳақида бирор маълумот берилмади. Кўриниб турибдики, сюжет бўш ва сифатсиз. Малакаси йўқ журналистлар томонидан тайёрланган бундай чиқишлар канал обрўсига путур етказиши аниқ.

“Ринг қироллари” дастури “Ёшлар” телеканалда эфирга чиқадиган, мухлисларнинг энг яхши кўрадиган дастурларидан ҳисобланарди. Ҳар якшанба куни ушбу кўрсатув мухлислар эътиборига ҳавола этиларди. Жаҳон рингларида бўлиб ўтаётган ва бўлиб ўтган бокс мусобақалари шарҳловчи Даврон Файзиев талқинида экранга чиқарди. Айтиш жоизки, кўрсатувнинг мавқеи жуда юқори. Икки йирик боксчи Николаев Валув ва Руслан Чагаевлар ўртасида бўлиб ўтган жанг “Ринг қироллари” дастурида шарҳланганди. “Спорт” телеканалда эса “Проф РИНГ” дастурида, номидан ҳам кўриниб турибдики, профессионал рингларда бўлиб ўтадиган энг муҳим бокс мусобақалари ҳақида сўз юритиларди. Мусобақаларни шарҳловчи Элдор Мустафоев шарҳлаб борарди. Айни пайтда “Спорт” каналидаги шарҳларни Даврон Файзиев, ҳозирда эса Сиёвуш шарҳлаб бормоқда. “Агар материални тайёрлаш чоғида журналистнинг шахсий муносабати ва баҳоси катта ўрин эгаллаган бўлса ёки айрим касбий ахлоқий кодексларда таъкидланганидек, далиллар билан шахсий нуқтаи назарлар аралаш ҳолда берилган бўлса, бу материалда холисликдан кўра субъектив ёндашув кучли бўлган, деб ҳисоблаш мумкин”¹¹. Шарҳлардаги сифат масаласида айрим муаммолардан бири субъектив фикрлаш ҳисобланади. Шарҳда ўйинга баҳо бериш сезилмайди. Жумладан, ўзбек адабий тилида спорт атамаларининг етишмаслиги ва журналистнинг улардан тўла хабардор эмаслиги панд беради. АҚШ профессионал журналистлари жамияти ахлоқ кодексининг 5-моддасида “Ҳақиқий журналистикада янгилик билан шарҳ ўртасида аниқ

¹¹ Дадахонов А. Журналист ижодида холисликни таъминлаш муаммоси. Ахборот глобаллашуви ва халқлар маънавияти (илмий мақолалар тўплами). – Т.: ЎзДЖТУ.2011.- Б-258.

чегара бўлмоғи лозим”лиги таъкидланган¹². Агар бокс шарҳлари синчиклаб кузатилса унда шарҳ жанрига хос бўлган бирламчи талаблар ҳам бажарилмаётганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Юртимизда жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларига тайёргарликни ташкил этиш ва уни қўллаб-қувватлашга оид ташкилий-ҳуқуқий масалалар юзасидан кўплаб қарор ва Фармонлар чиқарилди. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил январда “Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги олимпиада ва XIV Параолимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил июндаги “Ўқувчи ва талаба-ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги Қароридан умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт мусобақалари ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланиши Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Миллий Олимпия қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирлиқлар, давлат қўмиталари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан таъминланиши белгилаб қўйилди. Шу асосда телеканал ижодкорлари болаларга бағишланган махсус кўрсатувларни намойиш этиб келмоқда. Мисол учун, ҳар тонг “Спорт майдончаси” дастури эфирга узатилади. Унда “Тонгги машқлар”, “Спортландия” кўрсатувлари ўрин олган. Эрталабки болалар учун мўлжалланган бадантарбия машқларидан сўнг, бирор-бир спорт тури ҳақида маълумот берувчи, ўша тур билан шуғулланаётган болалар ҳаётидан ҳикоя вилинади.

2003 йилда қабул қилинган “Болалар спортини тарғиб қилиш ва болалар учун спорт товарлари ишлаб чиқариш турларини кенгайтириш

¹² Профессиональная этика журналиста(Документы и справочные материалы). 2-е издание. – М.: Галерея,2002. – Б.36.

бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлар доирасида тайёрланаётган бундай кўрсатувлар орқали оммавий спорт тарғиб қилинмоқда.

Юртимизда болалар спортини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга оид ташкилий-ҳуқуқий масалалар юзасидан, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги Фармони ва уни бажариш юзасидан ҳамда жамғармага юкланган асосий вазифаларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Шу билан бирга болалар спортини янада тарғиб қилиш, болалар учун ишлаб чиқарилаётган спорт товарлари турларини кўпайтириш ҳамда минтақалар, мактабгача болалар муассасалари, мактаблар, академик лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари ва “Маҳалла” ҳудудий жамғармаларининг спорт товарларига эҳтиёжини ўрганиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Болалар спортини тарғиб қилиш ва болалар учун спорт товарлари ишлаб чиқариш турларини кенгайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг минтақавий филиалларига юкланган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг минтақавий филиаллари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорлари қабул қилинди. Болалар спортини янги босқичда сифат жиҳатидан юқорига кўтариш ҳамда Болалар жисмоний тарбияси ва спортини 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ ҳолда ривожлантириш масалаларида ишларни аниқ мувофиқлаштиришни таъминлаш ҳамда ягона давлат сиёсатини ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг

“Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармонни бажариш юзасидан ҳамда жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, болаларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, шунингдек, спорт иншоотларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди ва бугунги кунда мазкур жамғарма “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тўғрисида Низом” асосида юртимизда болалар спортини ривожлантиришга оид чора-тадбирларни изчиллик билан амалга оширмоқда. “Хабарлар” информацион дастури бу мавзудаги чиқишларни мунтазам амалга ошириб келмоқда. Шунингдек, томошабинга тез таъсир этадиган чиқишлар ижтимоий роликлар ҳисобланади. Спортга оид ижтимоий роликлар каналнинг энг асосий дастурлари сирасига киради. Мактаб ўқувчилари ўртасидаги “Умид ниҳоллари” мусобақаси 2012 йилда Навоийда бўлиб ўтади. Шу муносабат билан тайёрланган роликда спорт кийимидаги боланинг коптоғи бутун шаҳарни айланиб чиқади. Аввало, Навоий вилоятидаги тарихий жойлардан, стадионга, у ердан саноат корхоналарига, у ердан спорт мажмуаларига, кураш билан шуғулланаётганлар даврасига ўтади. Ролик сўнгида эса “Ҳазрат Навоий номи билан аталган Заминга марҳабо!” деган ёзув пайдо бўлди ва “Умид ниҳоллари – 2012”нинг логотиби берилди.

Қисқа дақиқани қамраб олган дастурлар кейинги йилларда барча телеканаллардан муқим ўрин эгалламоқда. Жумладан, каналда “Саломатлик хазинаси” лойиҳаси ҳам эфирга узатилади. Унда саломатликка оид афоризмлар берилиши урфга айланган. Мисол учун Афлотуннинг “Гимнастика тиббиётнинг шифобахш талқини” гапи бир неча марта такрор-такрор берилди. Ҳар куни дастурлардан бундай ҳикматларга алоҳида жой

ажратилади.

“...Ҳозирги кунда блоглар ижтимоий ОАВнинг тури сифатида қабул қилинмоқда. Ундаги маълумотларнинг текширилмаганлигига қарамасдан дунёнинг кўп журналистлари улардан ўз материаллари учун фойдаланишмоқда. Масалан, америкалик журналистларнинг 60-70 фоизи ўз маълумотларини шахсий “электрон кундаликлари”га асосланиб тайёрлар экан. Ҳаттоки, “Russian Today” телеканалининг бош муҳаррири А.Николов блогларга “хабар тарқатувчи восита” деб ном беришни таклиф қилган”¹³. Ҳозирда интернет тармоғи орқали спорт мавзуси доирасида ўнлаб блоглар бор. Мухлислар ва мутахассислар билан конференциялар ташкил этилган. Соҳа муаммоларига бағишланган чиқишлар ташкил қилинган. Хориждаги Viasat History канали орқали 1966 йилги Жаҳон чемпионатида катнашиб, катта шов-шув қилган Шимолий Корея терма жамоаси ҳақида фильм намоиш қилинди. Фильмнинг оригинал номи "The Game of Their Lives". Интернет сайтларининг бирида мухлислар ана шундай фильмлар “Спорт” каналида ҳам берилишини сўраб хат ёзган. Таклиф сифатида берилган саволга канал директори Д.Турдиалиев жамоа ва спортчилар тақдири ҳақидаги ҳужжатли фильмларни кўпайтиришга ҳаракат бўлаётгани ва миллий қаҳрамонлар ҳақида тасвирга олиш режаси борлиги айтиб ўтган¹⁴. Шулардан бири ўзбек футболининг 100 йиллигига бағишланган ҳужжатли сериалнинг суратга олинаётганидир.

Аслида каналда бундай ҳужжатли фильмлар берилма бошлаганига анча бўлган. Мисол учун, “30 йилда 30 воқеа Муҳаммад Али” деб номланган ҳужжатли фильмнинг каналда намоиши бўлиб ўтди¹⁵. Афсонавий бокс қироли ҳақидаги мазкур ҳужжатли фильм ишқибозлар учун ўзбек тилидаги йирик премьераси вазифасини ўтагани ҳақиқат. Ҳар бир даврнинг ўз юлдузлари бўлади. Санъатда, спортда, кинода, театрда, экранда ва ҳаказо. Бир пайтлар футболда ном қозонган Пеле, Марадонани севадиганлар кўп бўлса, ҳозирда

¹³ Панкрешкина М. Интернет газетам не конкурент // www.wciom.ru -2008.

¹⁴ www.uff.uz – 20.03.2012

¹⁵ “Спорт” телеканали 2012 йил 4 май

Зенидин Зидан, Бразилиянинг қора танли юлдузлари Рональдо, Ривальдоларни яхши кўрадиган, уларнинг фотосуратларини йиғадиган ишқибозлари, фанатлари бор. “Жаҳон спорти юлдузлари” кўрсатувида ана шундай жаҳоннинг кўзга кўринган спортчилари ҳаёти тилга олинган.

Спорт журналисти фаолиятида нотиклик алоҳида аҳамият касб этади. “Мумтоз нотиклик санъати асосида беш босқич ётади:

- 1) керакли материалларни ёзиш;
- 2) режа тузиш, ёзилган материалларни мантикий кетма-кетликда жойлаштириш;
- 3) сўз, нутқ орқали фикр ифодалаш; нутқни адабий қайта ишлаш, матн яратиш;
- 4) матнни эслаб қолиш(хотира);
- 5) матнни оғзаки ифодалаш”.¹⁶

Агар журналист ана шу қоидалардан хабардор бўлмаса унинг шарҳи ғариб ва ўта жўн бўлади. Спорт шарҳловчилиги соҳасида самарали меҳнат қилган иқтидорли мутахассислардан бири Рихситилла Умаров, бир вақтлар волейбол спорт тури билан шуғулланганидан ташқари, спортнинг барча турларини яхши тушунади. Нотиклик маҳоратига эга бўлиши билан бирга, материалларни беришда мантикий кетма-кетликка тўлиқ амал қилади ва статистик маълумотлар борасида унинг билим сандиқчаси анча бой.

Теннисни шарҳлашда Ғанишер Раҳматуллаев ўз ҳаракатлари билан телевидение мухлисларига таниш бўлиб қолган. Олиб борилган ижтимоий тадқиқотлар натижасида шу маълум бўлдики, шарҳловчилар орасида Ғ.Раҳматуллаев ҳақида кўпчилик етарли маълумотга эга ва машҳурлиги юқори. Жаҳон спортида теннис мавзуси алоҳида ўрин эгаллайди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни, жумладан, теннисни ривожлантириш, замонавий теннис стадионлари ва кортлари барпо этиш, ёш авлоднинг ушбу спорт тури билан шуғулланиши учун қулай шароит

¹⁶ Шомақсудова С. Ахборот асрида нотиклик санъатининг ўрни. Ахборот глобаллашуви ва халқлар маънавияти (илмий мақолалар тўплами). – Т.: ЎзДЖТУ.2011. – Б.245.

яратишга қаратилаётган улкан эътибор юксак самаралар бермоқда. Мамлакатимизда кўплаб спорт турлари қатори теннис бўйича ҳам йирик спорт анжуманларини юқори савияда ўтказиш яхши анъанага айланган. Ўзбекистон теннис федерацияси спорт оламининг нуфузли ташкилотлари “Профессионал теннисчилар уюшмаси (АТР), Хотин-қизлар теннис уюшмаси (ВТА) ва Халқаро теннис федерацияси (ИТФ) билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри, Наманган, Фарғона, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида мунтазам равишда халқаро миқёсдаги мусобақаларни ўтказиб келмоқда. Бу ўз навбатида юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада мустаҳкамлаш билан бирга, кўплаб теннисчилар етишиб чиқишига хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда ўтказилаётган “Челленжер” номи остидаги халқаро турнирларда Ўзбекистонда нуфузли мусобақларда юртимиз шарафини муносиб ҳомя қлишга қдир малакали теннисчилар тарбияланаётгани яна бир бор намоён бўди. Мамлакатимизнинг энг кучли ракетка устаси Денис Истомин пойтахтимиздаги халқаро турнирни юқори савияда ўтказиб, жуфтлик ҳамда яккалик баҳсларида ўз маҳоратини кўрсатиб келяпти. Кейинги йилларда теннис бўйича нуфузли турнирлар канал дастурларидан ўрин олмоқда. Ҳар сафар янги номлар, янги истеъдодлар кашф қилинмоқда. “Гейм-Сет-Матч” кўрсатуви айнан теннисга бағишланган. Унда:

- етакчи теннисчиларимизнинг халқаро турнирларда қандай иштирок этаётгани;

- АТР ва WTA рейтингларидаги ҳолатлари;

- мамлакат теннисига алоқадор янгиликлар;

- жаҳон теннис янгиликларига эътибор қаратилади.

Тенниснинг ҳар иккала турига кенг аҳамият қаратилмоқда. Мисол учун, Термиз шаҳрида ўтказилган “Баркамол авлод” спорт ўйинларида тенниснинг ҳар икки тури бўйича мусобақалар ташкил этилди. Уларнинг аксарияти телеканал дастурларидан ўрин олмоқда. Мисол учун, Францияда

бўлиб ўтган аёллар ўртасидаги сўнгги теннис турнири ҳам олиб берилди¹⁷. Унда моҳир теннисчимиз Оқгул Омонмуродованинг иштироки ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Теннис мавзусидаги мусобақаларни Ғанишер Раҳматуллаев шарҳлаб боради.

“Спорт журналистикаси спорт мавзуида, спортчилар ва спорт воқеалари ҳақида ёзиш демакдир. Спорт ривожланиб борар экан, спорт журналистикаси ҳам тараққиётдан тўхтамайди. Спорт мутахассислари, чемпионларнинг ашаддий ишқибозлари бор экан, журналистика улар учун хизмат қилишдан воз кечмайди. Баъзилар спортни “ўйинчоқ” мавзу, баъзилар эса “янгиликлар саҳифасининг кироли” деб аташади. Бугунги кунда спорт оммавийлашиб борар экан, етук спорт журналистикасига эҳтиёж сезилмоқда”¹⁸. Спорт каналлари учун хос бўлган уч йўналиш – **спорт шарҳлари, спортчилар ҳаёти, спорт билан алоқадор ҳодисотлар** деб қаралса, аудитория ҳам ўз қизиқишлари бўйича уларнинг биттасини танлайди. Булар орасида спортчилар ҳаёти ёш авлод учун ибрат ва соғлом турмуш тарзининг тимсоли сифатида гавдаланади. Бугунги кунда жаҳон ареналарида, спорт майдонларида ўз номи ва доврўғига эга бўлган миллий спортимизнинг кўзга кўринган юлдузлари бор. Миржалол Қосимов, Артур Григорян, Муҳаммақодир Абдуллаев, Руслан Чагаев сингари ном қозонган спортчиларимиз тўғрисида “Ўзбекистон ифтихорлари” кўрсатуви ҳам эфирга узатиляпти. Бундай дастурларнинг ёш авлод тарбиясида алоҳида ўрни бор. “Спорт – менинг ҳаётим” кўрсатувининг 2011 йил 8 апрель сонида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган таэквондо кураши бўйича чемпион Акмал Эргашев тўғрисида ҳикоя қилинди. Юнон Рум кураши бўйича ёшларни тарбиялаётган Ҳаким Латипов ҳақидаги кўрсатув ҳам 2012 йилнинг 6 май куни эфирга узатилди.

Худди шу йўналишда тайёрланаётган кўрсатувлардан бири

¹⁷ “Спорт” телеканали, 2011 йил, 19 май

¹⁸ Ғаффорова Н. Спорт ва журналистика. Электрон оммавий ахборот воситаларида маънавий-маърифий масалаларнинг ёритилиши: назария ва амалиёт(илмий мақолалар тўплами) – Т.: ЎзДЖТУ. 2012. – Б.122.

“Мухлисингман спорт!” кўрсатувидир. Дастурни Наргиза Мухамедова олиб боради. Унда турли касб эгаларининг спортга бўлган қизиқишлари тарозига солинади. Кўрсатувнинг 2012 йил 21 апрель сонидан Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим билан суҳбат ташкил этилди. Суҳбат давомида кўтарилган мавзулар қуйидагилардан иборат бўлди.

1. Бугунги Бойсун болалари билан шоирнинг болалиги ўтган давр ўзаро қиёс қилинди. Болалар спортга берилаётган эътибор ҳақида гапирилди.
2. Ўзбек спортининг дунёга ном танилаётгани А.Тангриев ғалабалари мисолида эсланди.
3. Стадионлар атрофини қайта кўриб чиқиш кераклиги, бу жойлар чинакамига одамлар дам олиб кетадиган жойга айланиши хусусида гапирилди.
4. Халқ ўйинлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирди.
5. Томошабин маданиятини ошириш ҳақида шоир Усмон Азим ўзининг ибратли ўғитлари билан ўртоқлашди.

Ток-шоулар одатдаги суҳбат асосида пайдо бўлди ҳамда таҳлилий ва бадиий-публицистик жанрлар хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган мустақил жанрга айланди”¹⁹ – деб ёзади россиялик олим В.Л.Цвик. Ток-шоуларда ҳар иккала жанр хусусиятлари мавжуд бўлса-да, мазмун ва кўзланган мақсад нуқтаи назаридан улар таҳлилий жанрлар сирасига киритилган. Худди шу йўналишда “Спорт” телеканалида “Дув-дув гап”, “Стать ближе”, “Келин-куёв”, “Ташриф”, “Айтишув”, “Спорт ва санъат” каби ток-шоулар пайдо бўлди. Улардан айримларигина эфирга узатилмоқда. “Стать ближе”, “Ташриф” моҳиятан бир хил кўрсатувлар ҳисобланади.

Профессионал спорт, болалар ва ўсмирлар, аёллар футболга – умуман спортга аҳамият ҳукумат даражасида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан биров вақт ўтиб, 1995 йилда аёллар футболга

¹⁹ Цвик В.Л. Телевизионная журналистика: история, теория, практика. – М.: “Аспект-Пресс”, 2003.- С.56.

бўйича мамлакат чемпионати бошланган. Қарши Ўзбекистонда аёллар футболнинг маркази ҳисобланади. “Севинч” клуби 6 мартаба мамлакат чемпионлигини қўлга киритган. Бошқа вилоятларда ҳам аёллардан иборат футбол жамоалари мавжуд бўлиб, ҳозирда аёллар футболни ривожлантиришга қаратилган телекўрсатувларга кенг ўрин берилмоқда. Соат Шариповнинг “Ташриф” кўрсатувида “Севинч” жамоаси қизлари билан суҳбатлар ташкил этилди. Аёллар футбол жамоаларининг тайёргарлиги, уларга яратилган шарт-шароитлар, қизларнинг жисмоний савияси ҳақида гап борди. Учинчидан, футзал бўйича миллий терма жамоамиз Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатида кумуш медалга сазовор бўлди. Осиё чемпионатининг ҳар бир учрашуви каналда олиб кўрсатилди. Шунингдек, ёш чарм тўп усталаридан таркиб топган бир қатор жамоалар кўплаб халқаро турнирларда муваффақият қозонди “Ташриф” кўрсатуви 2012 йил 6 май куни бош мураббий Хосе Марио Мандес ўз жамоаси билан кўрсатувга ташриф буюрди. Аммо, кўрсатувни канал форматига тўла мос келади деёлмаймиз.

Миллий курашни тарғиб қилишда, кенг ёйишда канал ижодкорлари самрали меҳнат қилишди. Махсус кўрсатувлар, телевизион роликлар, курашчилар ҳаётдан адабий портретлар тайёрланди. Каналда фаолият олиб бораётган истеъдодли ижодкорлар Сайёра Ҳалимова, Гулжаҳон Мардонова бу борада ўз иқтидорларини намоёиш этишмоқда. “Халқ ўйинлари”, “Маҳалламиз паҳлавонлари”, “Қўша қаринг” каби кўрсатувларни мисол сифатида кўрсатиш жоиз. Аммо, кўрсатувлар режиссураси тўлиқ жавоб бермайди. Айрим муаллифлар спортнинг ўзлари таҳлил қилаётган турини яхши билишмайди. Умумий фикрларга таянилади.

Бундан ташқари автопойга, велопойга, волейбол, баскетбол, шотакан карате-до, Шарқ яккакураши, велоспорт, теннис, дзюдо, снукер, ралли каби спорт турларига бағишланган мусобақаларни ўз дастурларида ҳавола қилиб келяпти. Аммо, синчиклаб эътибор берадиган бўлсак, кўрсатувларда жаҳон спортининг барча турлари бериб бориляпти, деёлмаймиз. Қолаверса, каналда ҳали бу мусобақаларни олиб кўрсатиш ва шарҳлаш учун тўлиқ имконият

йўқлиги билиниб қолади.

Дунёнинг барча телеканаллари аудитория эҳтиёжларидан келиб чиқиб, фаолият олиб боради. Томошабинга нима керак бўлса шу кўрсатувни, шу мавзунини олиб чиқади. Биз нега “Спорт” телеканали дастурлари тўла талабга жавоб бермайди деган фикрларни эшитяпмиз. Сабаби, жамоатчилик талаблари инобатга олинмаяпти. Айтиш жоизки, халқаро спорт майдонларида, профессионал рингларда, теннис кордларида бўлаётган мусобақаларга аҳолининг қизиқиши катта. Спортни, жисмоний тарбияни, соғлом турмуш тарзи тарғиботида жаҳон спортининг ҳам ўз улуши бор. Болалар ҳавас қилишади, ўрганишади ва улардек бўлишга тинимсиз ҳаракат қилишади.

Ёшлар спорт юлдузлари ҳаётига қизиқиб, спорт соҳасига қизиқа бошлайди. Спортнинг инсон саломатлиги учун катта фойдаси борлигини унутмаслик жоиз. Уларга ҳавас қилиб интилишлар боланинг спорт билан ошно бўлишига, шу билан бирга спорт соҳасида аввало, оиласи, мактаби, маҳалласи, тумани, вилояти, мамлакат шарафини ҳимоя қилиш даражасигача олиб чиқа олади. Демак, бундай кўрсатувлар янги юлдузлар кашфиётига ҳам туртки бўлади. Қолаверса бола қанча банд бўлса, унинг бўш вақти кам бўлса ҳар хил нобоп йўлларга, қалтис кўчаларга қадам босмайди. Бу ўз-ўзидан жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, наркомания ва жамики салбий иллатларни олишда катта ёрдам беради.

“Спорт” телеканали дастурларида бу каби кўрсатувлар сонини янада кўпайтириш зарур. Чунки, ҳозирги ёшлар ҳар жиҳатдан билимли, замонавий ахборот технолгияларини, Интернет тармоғини яхши билади ва яхши ишлай олади. Жаҳон спорти бўладими, бошқа мавзу бўладими улар истаган жойидан ола билади. Аммо, мамлакатнинг барча ёшлари ҳам бир хил имкониятга эга эмас. Ҳозирча, телевидение бу жараёнларда ўз ўрни ва мавқеига эга.

2.2. Футбол мавзусидаги чиқишларда журналистлар касб малакаси ва асосий муаммолар

Иқтидорли ёшларни спортга жалб этиш, ишончли захирани шакллантириш ҳамда болалар-ўсмирлар футболни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, ёш футболчиларнинг маҳорати ошишини ва спорт соҳасидаги ютуқлари кўпайишини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг фаолиятини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинган эди. Мамлакатимиз футболининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, футбол бўйича мактаб-интернатларда, болалар ва ўсмирлар мактабларида, профессионал клубларда ва терма жамоаларда ўқув-машқ жараёнининг юксак сифатини таъминлаш, футболчилар, тренерлар ҳамда ҳакамларнинг маҳорат ва малака даражасини ошириш, шунингдек республика аҳолисининг кенг қатламлари ўртасида футболни фаол тарғиб қилиш ҳамда оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ 2011 — 2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган бўлиб у тўрт қисмдан иборат:

- Республика шаҳарларида фаолият кўрсатаётган стадионларнинг, профессионал футбол клублари ҳузуридаги болалар ва ўсмирлар мактаблари спорт иншоотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, реконструкция қилиш, янги стадионлар қуриш, уларни зарур ускуналар ва тегишли инфратузилма билан таъминлаш;

- Болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантириш ҳамда футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва профессионал футбол клублари ҳузуридаги болалар ва ўсмирлар футбол мактаблари иши самарадорлигини ошириш;

- Малакали тренерлар, ҳакамлар, спорт врачлари ва бошқа футбол мутахассисларини тайёрлаш;

- Мамлакатимиз футбол тўғрисидаги ахборотларни етказиш ва тарғиб қилишни янада такомиллаштириш, малакали журналистлар, шарҳловчилар, режиссёр ва телеоператор кадрларни тайёрлаш.

Мамлакатимизда спортнинг барча турлари катори миллий футболимизни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, ёш футболчиларда профессионал иштиёқ, маҳорат ҳамда кўникмаларни юксалтириш, маҳоратли чарм тўп усталаридан мамлакат клублари ва терма жамоаларига ишончли захира шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада юртимизда моҳир футболчиларнинг янги авлоди шаклланмоқда. Ўсмирлар, ёшлар, олимпия ва миллий терма жамоаларимиз, «Пахтакор», «Бунёдкор», «Насаф», «Машъал», «Нефтчи» каби клубларнинг халқаро мусобақалардаги натижалари ҳам бунинг далилидир.

Мазкур қарорнинг биз учун энг эътиборли томони, футболга ихтисослашган спорт журналистикасини изчил ривожлантириш, «Спорт» телеканали фаолиятини такомиллаштириш, ўзбек футбол нашрларини хорижий тилларда чоп этиш борасида ҳам муҳим вазифалар белгиланган. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этиладиган «Ўзбекистон футбол» журналининг ташкил этилаётгани ғоят қувонарлидир.

Футбол мавзусидаги «Спорт» телеканалда қуйидаги чиқишлар йўлга қўйилган:

1. Футбол шарҳи (муаллиф З.Имомхўжаев)
2. Турдан тургача (муаллиф Д.Файзиев)
3. Футбол шарҳлари
4. Футбол турнирлари жадваллари
5. Мухлислар жавоблари
6. «Хабарлар»да футбол мавзуси
7. Биринчи лига ва бошқалар

Спорт каналида айнан футбол мавзусида иккита таҳлилий кўрсатув

мавжуд биринчиси “Футбол шарҳи”, иккинчиси “Турдан-тургача”. Зафар Имомхўжаев муаллифлигида тайёрланадиган кўрсатув футбол тематикасини очиб беришда сўнгги пайтларда яхши таассурот қолдирмоқда. Кўрсатувда ҳафта давомида муҳим учрашувларга, хусусан миллий чемпионатдаги ҳолатга ҳам эътибор қаратилади. Кўрсатувга футбол мутахассисларининг жалб этилиши унинг таҳлил функциясини оширади. Ҳар душанба кечки пайт эфирга узатиладиган кўрсатувнинг эртаси куни у ҳақдаги фикр ва қарашлар футболга ихтисослашган веб-сайтларда таҳлил қилиб чиқилади.

Мазкур кўрсатувга қадар Давлат Турдиалиев муаллифлик қилган “Гол” кўрсатуви шу вазифани тўлақонли бажариб келарди. Хорижлик мутахассислардан бири “Газетачилар қизиқарли воқеаларни кўкат билан безатилган ҳолда етказишни яхши кўришади (Газетчики любя́т жаркое с “зеленью”).(Р.Алиев)”²⁰. Бу ибора телевидение ижодкорлари фаолияти учун айнан дахлдор саналади. Каналда бир муддат эфирга узатилган “Гол” лойиҳаси спорт ишқибозлари учун катта воқеа бўлган эди. Унда:

1. Мамлакатимиз ва жаҳон футболига оид энг қизиқарли учрашувлар таҳлили;
2. Замонавий футболга янгича нигоҳ;
3. Журналист мулоҳазаси;
4. Мутахассис минбари;
5. Мунозара ва мусоҳабалар айнан “Гол” лойиҳасидан ўрин олган. Ҳар жума оқшомида эфирга узатиловчи бу кўрсатув ҳам ишқибозларга совға ҳисобланади.

Д.Турдиалиев “Спорт” телеканалига вазифасига тайинлангач, кўрсатув Даврон Файзиев ва Дилшод Тўхтабековга топширилди. Ёшларда тажриба етишмаслиги “Гол” кўрсатуви чақмоқ каби порлаб чиққан бўлса, кейинчалик шу тариқа сўниб борди. Ҳатто, бу мухлисларда норозиликларни туғдирди. “Футбол шарҳи” кўрсатуви янги тизимни жорий қилганидан кейин, “Гол”нинг эфирга узатилиши мантиқсиз бўлиб қолганди.

²⁰ <http://www.aphorism.ru> – 7.04.2012

“Турдан тургача” кўрсатувининг юзага келиши томошабин ва мутахассисларни интерактив мулоқотга чақирди. Унда:

1. Миллий жамоаларнинг Осиё чемпионлар лигаси, кубок ўйинлардаги иштирокига назар;
2. Ўзбекистон миллий ва олимпия терма жамоасининг футболдаги ютуқ ва камчиликлари, муаммолар;
3. Англия чемпионати;
4. Испания футболли;
5. Германия чемпионати;
6. Мухим футбол дербилари;
7. Ҳафтанинг рамзий терма жамоаси;
8. Европа чемпионлар лигаси;
9. Мухлис, спорт журналистлари ва мутахассислар башорати;
10. Ҳафтанинг 3 чиройли голи каби саҳифалар киритилган.

Кўрсатувда бошловчидан ташқари журналист ҳамда мутахассислар қатнашади. Шу ўринда футболга ихтисослашган мазкур таҳлилий кўрсатувнинг битта камчилиги соҳанинг биладиган мутахассисларнинг камлиги сабаб, улар қайта-қайта жалб этилаверади. Айримлари шу соҳани журналист ва бошловчидан яхши тушунмаса ҳам, бошловчи муаммонинг ечимини ундан сўрашни маъқул кўради. Мухлис учун эса бу ясамалик керак эмас. Аудиторияни саводсиз деб билиш журналистнинг энг катта хатоси бўларди.

Телевизион футбол ва спорт журналистларининг тил муаммоларига иттифоқ даврида муҳим масала бўлган. Бундан йигирма уч йил муқаддам Мирзо Кенжабекнинг “Тил эрки – дил эрки” мақоласида шундай фикрлар келтирилган экан²¹. “ Футбол шарҳловчимиз Ахбор Имомхўжаев баъзан русча шарҳни ўзича ўзлаштириб, “тўп йўқотилди”, “тўп билан фалончиев”, “тўп фалончиев томонидан дарвозага киритилди” каби кўриниши ўзбекча, лекин тузилиши русча бўлган гап ва ибораларни қўллайди. Аввало, шуни

²¹ “Фитна санъати”. — Т.: Фан, 1993.

айтиб ўтайинки, Ахбор ака яхши шарҳловчи сифатида футбол ихлосмандлари орасида эҳтиром қозонган одам. У кишининг юртимиз спорти аҳволига қуюниши, қайғуриши кўпчиликка маълум. Демак, баъзи нуқсонларини айтмоқ жоиз. Қаранг, “тўп йўқотилди, “тўпни йўқотиб қўйди”, дегани кулгули эмаси?

“Фалончи тўпни олдириб қўйди, деб оддийгина айтиш мумкин. “Фалончи тўп билан“, “тўп билан фалончиев” деб, жингалак қилиб ўтирмасдан, “тўп фалончиевда, деб айтса ҳам бўлаверади. “Фалончи томонидан киритилди ёки “тепилди, деб гапни буришнинг нима зарурати бор? “Тўпни фалончи уриб киритди ёки “Фалончи тепиб беради”, деса табиийроқ эмасми? Муҳтарам шарҳловчимиз уйларига қовун-тарвуз сотиб олиб бордилар, дейлик. Фарзандлари: “Булар дадам томонидан олиб келинди”, демайдилар, шекилли. “Буларни дадам олиб келдилар” дейишади. Ортиқ қийналиб, “китобий” қилишга уриниб, гапни сунъийналаштиришнинг ҳожати йўқ. Бой ва гўзал тилимиз ҳар қандай ҳолатни эркин ва раво ифодалаш имконига эга.

Яна бир шарҳловчимиз бор (исми ёдимда йўқ). Унинг тили “жарима”, деган сўзга ҳам айланмайди. “Штраф (?) тўпи”, дейди у киши! Тешик кулоқдан кирган гап суяксиз тилга тушиб, айланаверади кейин! Неча минглаб футбол ишқибозларининг кўзи тўпда бўлгани билан, кулоғи гапда бўлади, ахир. Буларнинг нутқида гоҳо “Пахтакор билан Помир ўртасида матч” (?), “Ўйин старт олади” (?), “учрашув арбитри” (?) сингари тушуниксиз сўз, ғализ иборалар учрайди. Тилни бузиш ахлоқсизлик ёки жиноят эканлигини шарҳловчиларимиз ҳис этмайдилар. Улар ўз тилини — ўз элини қанчалик ҳурмат қилсалар, шунчалик иззат топадилар”.

Талаффуз ва адабий тил меъёрлари футбол шарҳларида муҳим ўрин тутади. “Футбол шарҳи”, “Хабарлар” дастурларининг ҳар бир сониди Ўзбекистон Олий лигасидаги ўйинлар батафсил ёритиб борилади. Бироқ унда вилоятлар орасидаги тафовут яққол кўриниб қолади. Тошкентда фаолият олиб борадиган журналистлар нисбатан қизиқарли ва сифатли лавҳа тайёрлаб

беришса, вилоятларда адабий тил меъёрларига эътибор берилмайди. Кўп ҳолларда кулоққа ёқмайдиган овозларнинг кадр ортидан чиқиб келиши аудиторияга ёки ёқмайди, ёки бўлмаса, уларнинг кулгисига сабаб бўлади. Журналистика факультетларида дикция ва овоз тембрларига мутлақо эътибор қаратилмайди.

“Журналистиканинг қайси тури, шакли бўлмасин, унинг техник имкониятлари нечоғли ўзига хос бўлмасин, журналистнинг бирламчи воситаси, қуроли – тил, сўз, матн! Журналист гапирадими, кўрсатадими, ёзадими – ҳар қандай ҳолатда ҳам у ёзади. Журналистика – ёзиш санъати, ёзиш истеъдоди, ёзиш маҳорати орқали намоён бўладиган ўзига хос касбдир!”²². Ёзиш билан телевидениеда фаолият тугамайди. Энди уни томошабинга тақдим этиш бор. ТВда импровизация бўлмаса самарадорлик паст бўлади. Нотиқлик санъати, сўз айтиш малакаси ва “сўз сандиқчаси” бой бўлмаса пала-партишликлар юзага келади. Интернет тармоғида футбол шарҳловчилари фаолиятига оид “Футбол шарҳловчилари хато қилса...”, деб номланган “Sport – Soccer Show” сайти орқали айрим мисоллар берилган экан. Айтилишича, “Жумлалар ростдан ҳам эфирда янграган”.

- Матч бошланишига беш дақиқа қолди, ҳисоб ҳамон 0:0.
- Бу форма ҳужумчининг омадли либоси! Мана ўн беш йилдирки, у мана шу либосини ечмайди.
- Шундай кучли ва хавфли рақибга гол урганидан хурсанд бўлган Баджо дарвозага осилиб қолди.
- Виалли ён чизикдан рақиб оёқлари билан бирга чиқиб кетди.
- Роналдога жароҳат етказишди. Ҳакам энди врачлар ёрдамига эҳтиёж йўқлигини кўрсатмоқда.
- Шовковский ўзининг ҳаётдаги дўсти Владислав Ващукдан пасни қабул қилиб олди. Дарвоқе, улар турмуш қуришган.
- Пер Луизи Коллина сукут сақляпти. Бунга ҳатто мен ҳам эшитаяпман.

²² Дўстмуҳаммад Х. Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва касб этикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ЎзДЖТУ. – Б.92.

- Иккинчи тайм Ювеннинг Туринтус жамоаси ҳужуми билан бошланди.
- Ай-яй -яй -яй –яй! Фикримга қўшиласизми?
- Шведларнинг бош мураббийининг кўзларидан бахт ёшлари оқмоқда...
Э, йўқ, ёрдамчиларидан кимнингдир қўли унинг кўзига кириб кетибди.
- Маминов Сергей Гашкиннинг оёқларидан фойдаланиб тўпни чиқариб юборди.
- Зарба жуда кучли бўлди. Тўп ҳимоячининг бошига тегди. Агар унинг ичида мия бўлса, чайқалган бўлиши мумкин.
- Акопянтс бугун ҳамма жойда кўринмоқда – ҳозиргина ракиб дарвозасига ҳужум қилганди, энди ўз дарвозаси олдида юмалаб ётибди.
- Негадир мен Оуэнни йўқотиб қўйдим. Майдонда ҳам йўқ, ўриндикда ҳам кўринмаяпти. Бирор жойга яшириниб олдимикан–а?
- Титов австрияликдан пас қабул қилиб олди. Жуда яхши тўп узатиш. Ўзимизникилардан бунақасини олиш қийин.
- Майдон четида мураббий фаол ҳаракатда: кичқираяпти, қўли билан кўрсатаяпти, ичяпти, баъзан эса чекаяпти ҳам...
- Ён чизик ҳаками чиройли ҳолатлар кўрсатмоқда. Аввал балет билан шуғулланган бўлса керак.
- Бу тўп узатиш трибунада ўтирган бирор таниш ёки яқин одамга бўлса керак.
- Ҳимоячилар ортда қолиб кетишди ва ҳужумчи дарвозабонни хотиржам нишонга олди.
- “Машъал” “Пахтакор” қанча гол урсаган бўлса, шунча тўп киритди. Яъни, , бирорта ҳам эмас.
- ... ва бизнинг ҳужумчи ракиб жарима майдончаси ичида йиқилиб тушди! Ҳакам нима демоқда? Ҳакам бугун ташқарида ҳаво анча совуқ ва шунинг учун ерда узоқ ётмаслик керак дейди.
- Ҳакам огоҳлантириш берди: колумбияликлардан тўпни олиб қўймаслик керак, улар ҳам футбол ўйнаш учун келган.

- Ўйинчилар жуфт-жуфт бўлишди ва ҳаракатлана бошлашди.
- Леоненко 45 дақиқадан буён чигалёзди машқларини бажармоқда. Жудаям қизиб кетмадимикан?
- Тўп ўзи учун махсус тайёрлаб қўйилган дарвоза тўрига бориб тушди.
- Мана, ўттиз еттинчи дақиқа тугаши биланоқ ўттиз саккизинчи дақиқа ҳам бошланди.
- Мана, мадҳиялар янгради. Энди энг қизиғи бошланади.
- Вазиятни ўрганиб чиқиб, Клинсмани Франция томон кучли зарба йўллади.
- Жуда кучли зарба – “Болтон” футболчиси ўз жамоаси ўйинчисини ўлдириб қўйишига оз қолди.
- БАА футболчилари безгак касаллиги тутқаноғини намойиш қилиб беришяпти. Бу мухлисларга ёқди ва улар ўз жамоасини қўллаб-қувватлай бошладилар.

“Спорт” каналида фаолият олиб борадиган журналист спорт турига ихтисослашгани яхши самара беради. “Спорт” канали мажлислар хонасига назар ташласангиз, шарҳловчиларга турли спорт турлари бўлиб берилган. Ҳавойи гаплар билан аравани қуруқ олиб қочиш мумкиндир. Лекин бу билан трансляция ёки шарҳнинг сифати йўқолиб қолади. Футбол шарҳловчисининг мураббийлик, ҳакамлик, инспекторлик, футболчилик ва унинг атрофидаги янгиликлардан хабари бўлиши керак. Фақатгина шунда унинг шарҳлари жонли ва талаб даражасида бўлиши мумкин.

Холислик оммавий ахборот воситалари фаолиятида бош тамойиллардан бири ҳисобланади. Атаманинг журналистлар фаолиятига татбиқ этиш масаласи XX асргача оммалашмаган эди. Аммо 1890 йилдан кейин у мазкур фаолият турининг етакчи принципларидан бирига айланди²³. АҚШлик мутахассисларнинг фикрича эса 1830 йилдан “Жексон эраси”да замонавий газеталарнинг пайдо бўлиши билан объективлик тушунчаси журналистлар ўртасида асосий тамойиллардан бири сифатида талқин этила

²³ [http:// en.wikipedia.org/wiki/Objectivity_journalism](http://en.wikipedia.org/wiki/Objectivity_journalism) – 7.04.2012

бошланди²⁴. Барча оммавий ахборот воситаларида, жумладан ТВда ҳам мазкур тамойил ахборот ҳақида муайян хулосани чиқаришга олиб келади. Телевизион журналистикада эса бу ҳолат ҳақида А.Дадахонов “Воқеа жойидан олиб узатилган видеокадрлар ўтган воқеанинг ҳақиқатан содир бўлганининг холи далилидир”²⁵ дейди ва журналистнинг воқеа мазмунини телевидение орқали баён қилишида овози ва тана ҳаракатлари ҳам муайян аҳамият касб этишни таъкидлайди. Телевизион спорт шарҳларида **овоз ва оҳанг** холисликни белгилаб беради. Оҳангда ҳиссиётлар намоён бўлади. Мирзаҳаким Тўхтамирзаев бир ой давомида ҳар куни футбол шарҳлади-да, эртаси куни дарҳол теннисга ўтиб кетди. Унинг фикрлари умумийликка асосланади! Ҳатто, М.Тўхтамирзаевнинг футболдаги шарҳларига ҳам эътироз билдирадиганлар бор. Инсондаги ватанпарварлик туфайли баъзида ҳиссиётлар жунбушга келади ва ўз хатоларни кўришга биров ҳалақит беради. Футболга ушбу кичкина қоида олиб кирилса, у катта натижалар олиб келиши шубҳасиз. Ўз жамоамиз (ҳох терма жамоа, ҳох мухлислик қиладиган жамоа) ўйнаётганда вақтда ҳакамнинг бизга нисбатан чиқарган қарама-қарши қарори ҳар доим нотўғри бўлиб кўриनावеради. Натижада ҳакам сотилган деб хулса чиқара бошлаймиз. Айниқса араб жамоаларига қарши ўйнаганимизда араб ҳаками бошқарса-ку, асти қўяверинг... Баҳраинлик ҳакамнинг ҳар бир ҳаракати бизга қаршидек, ҳар бир қарори шубҳалидек кўриनावерди. Бу фикрга унчалик қўшилиб бўлмайди. Ҳолатни баҳолашга ҳаракат қиламиз ва айтишга арзигулик шубҳали вазият кўринмади. Пенальти масаласида ҳакам ҳақ эди. Буни такрорий вазиятда кўриб олиш мушкуллик туғдирмайди. Анзур жарима майдончаси ичида “блок” қўйганди. Ва у оёғини олишга улгурмади. Демак, ҳакам ҳақ! Баъзи вазиятлардаги кичик хатолар (оффсайд, ўйин қоидаси бузилиши ва ҳ.к.) эса унинг ҳалол эмаслигидан далолат бермайди, оддий инсоний факторлар холос. Агар сиз Жасур Ҳасановга кўрсатилган сариқ карточкани эсламоқчи бўлсангиз, унда сизга Гейнрихга кўрсатилмаган

²⁴ Kaplan, Richard. Politics and the American Press. New York. – Gambridge University Press.2002.

²⁵ Дадахонов А. Журналист ижодида холисликни таъминлаш муаммоси. Ахборот глобаллашуви ва халқлар маънавияти (илмий мақолалар тўплами). – Т.: ЎзДЖТУ.2011.- Б.252.

иккинчи сариқ карточкани эслатмоқчи эдим. Агар ўша вазиятда Сашага кизил кўрсатилганда анча қийин иш бўлар эди. Тўғри, ғалабани ушлаб қолишни удалар эдик. Лекин Хитой билан ўйинда Гейнрихсиз майдонга тушиш бизга кўшимча қийинчилик туғдирар эди. Сашага кўрсатилган “меҳрибонлик” Жасурга бежизга (мен ҳам ўша вазиятда сариқ карточка йўқ деб ҳисоблайман) огоҳлантириш керак эди демоқчимасман. Шунчаки, ушбу ҳолат ҳакамни ноҳақлигини ва Мирзаҳаким Тўхтамирзаев айтганидек “сотилганини” англамайди.

Ҳар не бўлганда ҳам шарҳловчи бетараф бўлишга ҳаракат қилиши керак. Агар ҳакамларнинг ҳар бир хатоси учун уларни инсофсиз, ҳар бир тўғри ҳаракати учун эса инсофли деб ҳисоблайверсак, унда ҳакамларга қийин бўлиши аниқ. Энди асосий масалага, яъни бурчак тўпига ўтсак. Ушбу вазиятда кўпчилик ҳакамни ўта оми ва ФИФА қоидаларини яхши ўзлаштирмаган ландовурга чиқариб қўйди. Ёки Даврон Кабулов таъбири билан айтганда, Абрамов шогирдлари шунчалик пухта айёрлик қилганки, ҳакамлар ҳам бунга лаққа тушишган. Лекин аслида ҳам шунақамикин?! Инсоний субъективизм аралашиб, масала ҳал бўлмаётган вақтда доим қонун-қоидаларга мурожаат қилинади. ФИФА қонунларининг 17-бандида айнан бурчак тўплари ҳақида гапирилган. Ўша вазият бўйича бизга керакли иккита бандидан иқтибос келтирамиз:

- тўп ҳужум қилаётган жамоа ўйинчиси томонидан тепилиши керак;
- тўп ўйинга киритилган деб ҳисобланади, қачонки тўпга тегилган ва у ҳаракатга келган бўлса;

- тўпни ўйинга киритган футболчи токи бошқа ўйинчи унга тегмагунгача тўпга тегишга ҳақли эмас. Вазиятни муҳокама қилишдан олдин, бўлган воқеани яна бир марта кўз олдимизга келтирамиз. Санжар Турсунов бурчак тўпини амалга ошириш учун бурчакка келди. Тўп қўйилган нуқтадан тўпни бошқа нуқтага олди, яъни уни ҳаракатлантирди. Ва охирида яна тўпни тўхтатиб ўзи кетди. Кейин Сервер келди... Буёғини биласиз... Бунда иккита ҳолат бор:

1. Агар Санжар Турсунов биринчи марта тўпга келганда ва уни ҳаракатлантирганда, бурчак тўпини амалга оширган деб ҳисобласак, унда у иккинчи марта тўпга тегиши, яъни уни тўхтатиши мумкин эмасди.

2. Агар Санжар биринчи сафар тўпга теккандамас, балки охириги марта тўпга тегиб қўйган вақтда бурчак тўпини амалга оширган деб ҳисобласак, унда тўп ҳаракатга келгани йўқ эди ва тўп ўйинда ҳисобланмасди. Бундай вазиятда Сервер биринчи бўлиб бурчак тўпини амалга оширган ўйинчи деб ҳисобланарди. Кўриниб турибдики, ўша воқеада ҳакамлар эмас, балки Санжар Турсунов ФИФА қоидаларини ҳамда Абрамов айёрлигини яхши ўзлаштириб улгурмаган бўлиб чиқади. Тўғрида, Абрамов олимпиячилар устози бўлган вақтда Турсунов улар орасида йўқ эди ва бу ўзига хос тактик айёрликни кўп ҳам кўрмаган. Бу усул нафақат рақибларимиз учун, балки унинг ўзига ҳам янгилик эди шекилли.

М.Тўхтамирзаев ўтган ойларда нима бўлди, ким қандай натижалар қайд этди, барчаси унинг хаёлида чалкашиб кетади ва унинг ўзи қийналади. Аммо шарҳ учун яхши гонорар олиш мумкинлигини билгани ҳолда, у фигурали учишни шарҳлашдан ҳам қайтмайди. Яъни мақсад воситани белгилайди. Даврон Файзиев ҳам футболни анча маҳорат билан шарҳлашини кўпчилик билади. Аммо, от спорти шарҳини куруқ олиб қочиш мақсадга етиб бўлмаслигини унинг ўзи ҳам яхши тушунса керак.

Мамлакатда спорт ривожланиб боргани сари, уни ёритадиган ОАВ ҳам спортдан ортда қолмаслиги керак. Жоиз бўлса, спорт журналистлари ўша спортчиларни руҳлантириши, керак бўлса, эргаштира олиши керак. Бунинг учун спортни яхши тушунадиган, уни таҳлил қила оладиган журналистларга муҳтожмиз. Бунинг учун ихтисослашиш, замонавий янгиликлардан хабардор бўлиш, студияга багаж билан кирган маъқул.

“Эфирга тайёргарликсиз кириб келадиган шарҳловчиларни тушунмайман. Бу журналист томонидан йўл қўйиладиган энг катта хатодир. Биз ўз вақтида биргина ўйин учун юздан ортиқ маълумот йиғардик. Қизиқарли учрашувлар вақтида шуларнинг 60 фоизи ўқилмай қолиши

мумкин. Лекин баъзи вазиятларда шу маълумотлар сув ва ҳаводек зарур бўларди²⁶”. Аслида телевидениеда аудитория тасвирга катта аҳамият беради. Шундай футбол мухлислари борки, улар ўйин қизиган пайтда шарҳловчини гўёки эшитишмайди. Бироқ тортишувли ёки ўйин тўхтаб қолган дақиқаларда шарҳловчи катта саҳнага чиқиши керак. Шунда журналистнинг вазиятга баҳо бера олмаслиги самарадорликка путур етказди.

“Спорт” каналида маркетинг тизимини яхшилашга ва рекламага аҳамият қаратиш керак бўлади. Айнан шундай трансляциялар учун реклама топиш, реклама берувчиларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда рекламаларни қулай вақт ва соатларини, фойдалилик коэффициентларини белгилаш талаб этилади. Рекламадан тушадиган фойдани назорат қилиш, реклама ва маркетинг фаолиятини тўғри йўлга қўйиш – “Спорт” канали учун катта фойда келтириши мумкин. Айниқса, каналнинг моддий-техник базаси такомиллаштиришга муҳтож бўлиб турган бир пайтда бундай усул ва ёндашувлар жуда катта ёрдам беради.

Россиянинг “Спорт”га ихтисослашган каналлари рекламанинг ўзидан жуда катта фойда кўришлари мухлисларга сир эмас. “Спорт” каналининг бошқалардан фарқи шундаки, унга ҳар сафар моддий-техник базаси катта муаммо туғдиради. Юқорида айтиб ўтганимиз каби, биргина футбол учрашувини яхши ёритиш учун 30 дан ортиқ видеокамера, шунча тасвирчи ва каттагина ишчи гуруҳ керак бўлади. Рекламадан келадиган фойда одатда “Спорт” канали ишчилари ўртасида тақсимлаб юборилади. Сўнгги пайтларда штат ишчиси ва шартнома асосида фаолият олиб борадиган тоифалар телевидениенинг энг катта муаммоларидан бирига айланган. Сўнгги пайтларда каналларда штат ишчилари сони ҳаддан ташқари кўпайиб кетгани боис махсус комиссия тузилган бўлиб, штат ишчиларини камайтириш, энг сара ходимларни олиб қолиш бўйича муайян ишлар қилинмоқда.

Аслида рекламадан келадиган маблағ, “Спорт” каналининг ўз ҳисоб рақамида сақлаб борилса, мақсадга мувофиқ иш бўларди. Трансляцияларни

²⁶ www.uff.uz, Ахбор Имомхўжаев билан он-лайн суҳбат – 12.03.2012

сотиб олиш, журналистларни хорижий мамлакатларга жўнатиш каби ишлар ўша пуллар ҳисобидан амалга ошириб келинади. Бироқ бу нарсани ҳам айти пайтда каналнинг ўзига топшириш хавфли бўлгани сабаб, одатий йўлдан дадил кетилмоқда. Лекин хайрли молиявий тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, SMS танлов эълон қилиниб, мухлислар учун қизиқарли бўлган мавзуларда овозлар йиғилмоқда. Бу эса ўзаро интерактив имкониятларнинг кенгая бошлаганидан далолат.

“Спорт” канали пайдо бўлгунга қадар, Ўзбекистон телевизион спорт журналистикаси босқичма-босқич ривожланиб келди. Бу нарсани осонлик билан қўлга киритилмаган ва унда аудиториянинг талабларини ҳам инобатга олиш керак. Ўзбекистон ҳукумати соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун спортнинг муҳимлигини аҳоли онгига сингдира олди. Энди эса уни ёритишда “Спорт” канали катта кучга айланмоқда, янги тенденциялари пайдо бўлмоқда. Хулосада улар ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Хулоса

Ўзбекистонда спортга бўлган қизиқиш ва эътибор ошиб бормоқда. Халқнинг спортга бўлган қизиқиши, Президент ва ҳукуратимизнинг кенг миқёсдаги эътибори бу соҳада журналистлар олдида қатор вазифаларни ҳам қўндаланг қилиб қўйди. Бу йўналишда шу ўтган давр мобайнида ўзгаришлар содир бўлди. Айтиш мумкинки, оммавий ахборот воситаларида спорт соҳасига доир чиқишлар қўпайди. Уларнинг бир қанча ютуқли ва муаммоли

томонлари мавжуд. Анна шулар асосида, мавзуни ўрганиш чоғида бир қанча хулосаларга келдик. Қуйида ана шу хулосаларни эътиборингизга ҳавола этамиз. Дастлаб ютуқлар ҳақида тўхталамиз.

Биринчидан, мамлакатимиз миқёсида спортга эътибор кучайди. Турли спорт мусобақалари ташкил қилинди. Соғлом авлодни вояга етказиш баробарида соғлом турмуш тарзи тарғиботига ҳам кенг эътибор берила бошлади. Спорт соҳасида ҳуқуқий асослар яратилди. Бу Ўзбекистон Республикасининг 1993 йилда қабул қилинган “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунида ҳам ўз аксини топган. Шу асосда оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштирилиши йўлга қўйилди.

Иккинчидан, спорт соҳасида ихтисослашган матбуот нашрлари юзага келди. Давлат газеталари билан биргаликда, нодавлат матбуот нашрлари ҳам пайдо бўлди. Соҳага ихтисослашган спорт журналистлари сафи борган сари ортиб борапти. Бу мавзуда ёзилган мақолалар даврий нашрлардан мунтазам жой эгаллаётгани эътиборга сазовор.

Учинчидан, бутун дунёда спортга ихтисослашган телеканаллар сони кўпайиб, эндиликда спортнинг маълум бир турлари бўйича каналлар ташкил этиш тенденция тусини олмоқда. Бу каналлар спорт ишқибозлари бошини бир жойга қовуштирди. Ўзбекистонда “Спорт” телеканалининг ташкил топганини телевидение соҳасида бошланган ижобий ҳодисаларнинг бири сифатида қараш керак.

Тўртинчидан, телевидение эфирларида интерактив лойиҳалар сони борган сари ривожланиб бормоқда. Сайтларда асосан телевидениедаги футбол ўйинлари, шарҳловчилар маҳорати мавзуси – интернетда ташкил этилаётган форумлар ишқибозлар учун баҳс-мунозара майдони, маълумотлар манбаи вазифасини ўтамоқда.

Бешинчидан, ўтган йиллар давомида футбол, миллий кураш, теннис каби мусобақаларга кенг эътибор қаратилиши кузатилмоқда. Шарҳловчилар сони кўпайиб бормоқда. Уларнинг сафига янги овозлар қўшилмоқда ва муаммолар аста-секин барҳам топади.

Олтинчидан, жаҳон спорти янгиликлари, бутун жаҳон халқлари ҳаётининг ёритилиши каби жиҳатлар оммавий ахборот воситалари фаолиятида яхши йўлга қўйилган. Энг янги замонавий ахборот технологияларининг қўлланилиши, фақат аудитория учун хизмат қилиш ғояси бугунги телевидениеининг асосий мақсади бўлиб қолган ва курашларнинг энг асосийси шунда намоён бўлади.

Еттинчидан, “Спорт” телеканали дастурларида қуйидаги жанр ва йўналишларда чиқишлар ташкил этилмоқда:

- янгилик, хабар;
- репортаж;
- суҳбат;
- ток-шоу;
- баҳс;
- интеллектуал ўйин;
- футбол шарҳлари;
- ҳужжатли фильм;
- интерактив лойиҳалар;
- бадий кўрсатувлар ва бошқалар.

Ишни ўргана туриб бир қанча камчиликлар борлигига амин бўлдик. Бу нималарда кўринади.

Биринчидан, ўзбек адабий тили ва услуби қонун-қоидаларига амал қилиш талаб даражасида эмас. Яъни, журналистларнинг билим даражасини юқори баҳолаган ҳолда, саводхонлик даражаси бирмунча паст эканлигини қайд этиш лозим.

Иккинчидан, “Спорт” телеканалининг айрим ижодий ходимлари, вилоятлардаги мухбирларининг билим даражаси пастлиги, соҳани яхши билмаслиги улар тайёрлаётган кўрсатувларда, шарҳларда яққол намоён бўлмоқда. Соҳага доир билимлар бўлмаса, ҳар қандай дастур ўз номини оқлай олмайди.

Учинчидан, спорт шарҳларини олиб боришда жаҳон стандартларини

яхши билмаслик, ходимларнинг хориж тилларини яхши ўзлаштиролмаганлиги туфайли баъзи ўринларда ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Яъни, жамоалар номини, таркибини ҳатто давлат номларини талаффуз қилишда ғализликлар учрамоқда. Ишқибозлар билган жиҳатларни шарҳловчи билмаса, бу ҳам журналистнинг, ҳам таҳририятнинг обрўйини туширади.

Тўртинчидан, журналистларнинг касб маҳоратида хатолар учрайди, етишмовчиликлар кўзга ташланади. Соҳага адашиб келиб қолган журналистларнинг савияси мукамал даражадаги кўрсатув тайёрлашга тўсик бўлиб турибди.

Бешинчидан, телеканал имиджи масалаларини тўла ижобий баҳолаб бўлмайди. Телевидениеда режиссура соҳасида биров сусткашликка йўл қўйиляпти.

Ўзбекистонда спорт журналистикасининг тараққиёти доирасидаги айрим муаммоларни кўрсатган ҳолда, бу йўналишни янада ривожлантириш учун бир қанча таклиф ва тавсияларимизни бермоқчимиз.

Биринчидан, спорт журналистикаси ва шарҳловчилиги соҳасида бирорта ҳам ўқув қўлланма, дарслик ёки рисола чоп этилмаган. Спортга қизиққан талаба ўз устида ишлши, малакасини ошириши, хато-камчиликлари тўғрилаши учун бирорта китоб бўлмаса, у ўз фаолиятини келгусида қандай ташкил этишини билмайди. Тез орада бу соҳада илмий асарлар юзага келиши, “Спорт атамалари луғати”ни тузиш керак. Шундагина шарҳловчилар тилидан чиқаётган жумлалар, атамалар соф ўзбек тилида жаранглаб эшитилади.

Иккинчидан, биламиз, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди “Босма оммавий ахборот воситалари учун қўлланма”, медиабизнес, Ўзбекистонда журналистика қонунчилиги бўйича қатор китобларни нашр қилдирди. Айни пайтда ахборот хавфсизлиги соҳасида қўлланма яратиш учун грант ажратилган. Ана шу фондга мурожаат қилиниб,

грант асосида “Спорт журналистикаси” бўйича китоб яратиш, спорт газеталари қошида фонд кўмагида “Маҳорат мактаблари”ни ташкил этиш жоиз.

Учинчидан, ҳар йили 27 июнь – Оммавий ахборот воситалари ва матбуот ходимлари куни олдида “Йилнинг энг фаол журналисти”, Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида “Олтин қалам” мукофоти, мустақиллик байрами арафасида “Энг улуғ, энг азиз” каби танловлар якунлари ўтказилади. “Йилнинг энг яхши футболчиси”, “Энг яхши ҳакам” сингари танловлар ҳам бор. Спорт нашрлари ва журналистлари кўпаймоқда. Шу боис “Йилнинг энг яхши спорт журналисти”, “Энг яхши веб сайт”, “Энг яхши футбол журналисти”, “Спорт федерациялари ва футбол клубларининг энг яхши матбуот хизмати” деб номланган умумий ном остида танловлар ташкил этилиши керак.

Тўртинчидан, жаҳонда, жумладан Россияда спорт журналистикаси, футбол журналистикаси, спорт режиссёрлиги йўналишларида мутахассис тайёрлашга анча олдин эътибор берилган эди. Ўзбекистонда “Спорт журналистикаси” бўйича ҳам кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Унинг сифат самарадорлигини янада ошириш йўллари излаб топиш керак.

Бешинчидан, “Спорт” каналида маркетинг, менежмент масалаларини қайта кўриб чиқиш, замонавий усулларни кенг қўллаш жоиз. Канал ўз-ўзини маблағ билан таъминлай олмас экан, муаммолар барҳам топиши бирмунча оғир кечади.

Таклиф ва тавсияларимиз чуқур ўйланиб, амалиётга тезда жорий этилиши лозим. Ҳозирги шиддатли, рақобат авжига чиққан замонда узок ўйлаб ўтиришдан кўра, давр талабини инобатга олиб, оммавий ахборот воситалари принципларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилингани маъқул. Ўйлаймизки, биз ўрганган мавзу назарий ва амалий нуқтаи назардан барча қизиқувчиларга асқотади ва спорт журналистикаси тараққиётида муҳим ўрин тутади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни, 1992.
3. Тўртинчи ҳокимият. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа ҳужжатлар тўплами. – Т.: Меҳнат, 2003.
4. Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т., 2009.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мустақил телерадиоканалларни ривожлантириш ва қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (08.11.2005й. №ПФ-3678).
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 3-сон, 22-модда)
7. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
8. Каримов И.А. Буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
9. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
10. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
11. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
12. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

13. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
14. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов матбуот ҳақида, Президентнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригидан. – Т.: “ТАЙИ”, 2005.
15. Andrew G.S. World Radio TV Handbook. Amsterdam. 1994.
16. Бердикулов А., Си-Эн-Эн телехизмати. Маърузалар матни. – Т.: ЎзДЖТУ. 2004.
17. Вакурова Н. В., Московкин Л. И. Типология жанров современной экранной продукции. Учебное пособие. – М., 1997.
18. Дўстмуҳаммад Х. Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва касб этикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ЎзДЖТУ. 2011.
19. Засурский Л.Н. и другие, Система средства массовой информации России. – М.: “Аспект Пресс”, 2001.
20. Имомхўжаев А. Мафтунингман, футбол! – Т.: “Шарқ” НМАК, 2004.
21. Имомхўжаев А. Футбол – қувончим, дардим, фахрим. – Т.: Шарқ НМАК, 1996.
22. Имомхўжаев А. Ўзбегимнинг Миржалоли. – Т.: Шарқ НМАК, 2006.
23. Кальтофен Г. Драматическое искусство на экране телевизора. – М.: КРТ. 1965.
24. Каримов А. Аудиовизуал журналистика (тележурналистика). – Т.: ЎзДЖТУ. 2012.
25. Kaplan, Richard. Politics and the American Press. New York Cambridge University Press. 2002.
26. Кузнецов Г. В. Так работают журналисты ТВ. Учебное пособие. – М., 2004.
27. Кузнецов Г. В., Цвик В. Л., Юровский А. Я. и др. Телевизионная журналистика. Учебник. – М., 2002.

26. Луғат-маълумотнома. Журналистика. Реклама. Паблик рилейшнз. – Т.: Зар қалам, 2003.
27. Муҳаммаджонова Ф. Интернет: хабарлар рақобатининг қизғин нуқтаси, Интернет журналистика. – Т.: MRC- Tashkent, 2005.
28. Нутқ маданияти ва услубияти асослари. Ўқув қўлланма. – Т., 1992.
29. Ортиқова Ю. Интерактив журналистика. – Т.: Мумтоз сўз, 2011.
30. Профессиональная этика журналиста (Документы и справочные материалы). 2-е издание. – М.: Галерея, 2002.
31. Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қоидаси. – Т.: “Шарқ”, 2002.
32. Фитна санъати. – Т.: Фан, 1993.
33. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: “Тафаккур”, 2011.
34. Цвик В.Л. Телевизионная журналистика: история, теория, практика М.: “Аспект – Пресс”, 2002.
34. Эрназаров Қ. ва бошқ. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. – Т.: ЎзМУ, 2002.
35. ЎзМЭ. Т.: 2004.-8 т.
36. Борецкий Р.А. История телевидения: выбор точки отсчета. Вестник. – МГУ №2-2007.
37. Дадахонов А. Журналист ижодида холисликни таъминлаш муаммоси. Ахборот глобаллашуви ва халқлар маънавияти (илмий мақолалар тўплами). – Т.: ЎзДЖТУ. 2011.
38. Шомақсудова С. Ахборот асрида нотиклик санъатининг ўрни. Ахборот глобаллашуви ва халқлар маънавияти (илмий мақолалар тўплами). – Т.: ЎзДЖТУ. 2011.
39. Гаффорова Н. Спорт ва журналистика. Электрон оммавий ахборот воситаларида маънавий-маърифий масалаларнинг ёритилиши: назария ва амалиёт (илмий мақолалар тўплами) – Т.: ЎзДЖТУ. 2012.

40. Ҳамдамов Ю. Телевизион мулоқот – “жамоавий мулоҳаза” усули сифатида. Истиқлол даври оммавий ахборот воситалари: ютуқ, истиқбол ва муаммолар (илмий мақолалар тўплами). – Т.: ЎзДЖТУ, 2010.

41. Мирдадаев Р. Тасвир драматургияга хизмат қилиши керак// “Садо” газетаси, 2007 йил 12 апрель

42. Норбўтаев Ф. Моҳияти бир муаммолар – www.fk.uz

43. Панкрешкина М. Интернет газетам не конкурент - www.wciom.ru 2008.

44. www.uff.uz

45. [http:// en.wikipedia.org/wiki/Objectivity_\(journalism\)](http://en.wikipedia.org/wiki/Objectivity_(journalism))

46. <http://www.nokia.ru>

47. <http://www.aphorism.ru>

Илова

Спорт каналига оид ўтказилган сўровнома натижаси

1. «Спорт» телеканаллари дастурлари сизни қониқтирадими?

- баъзи кўрсатувларни кўра бўлади(32 киши)
- мутлақо қониқтирмайди (4 киши)
- ҳа, қониқтиради (12 киши)
- ғашим келади (1 киши)

2. «Спорт» телеканали дастурларидаги қайси дастурларни мунтазам кузатиб борасиз?

- спорт тарғиботига оид кўрсатувлар (2 киши)
- оммавий спорт дастурлари (12 киши)
- футболга оид чиқишлар (26 киши)
- халқ ўйинлари (5 киши)

3. Каналдаги қайси шарҳловчилар маҳоратини юқори баҳолайсиз ва нима учун?

- Д. Турдиалиев (6 киши, шарҳлари қизиқарли)
- М. Тўхтамирзаев (15 киши, маҳоратли)
- Д. Файзиев (22 киши, зериктирмайди, овози яхши, ўзига жалб қилади)
- М. Ризаев (3 киши, вазиятдан чиқади)

4. Сизнинг назарингизда каналдаги қайси кўрсатувлар канал форматига мос эмас?

- “Стать ближе” (12 киши)
- “Ташриф” (12 киши)
- “Спорт ва санъат” (3 киши)
- “Мухлисингман, спорт” (4 киши)
- Бошқалари (15 киши)

5. Футбол шарҳларидаги асосий камчиликлар сифатида қайсиларини кўрсата оласиз?

- Шарҳловчилар тили ва услуби (16 киши)
- Футбол атамаларини яхши билмаслик (4 киши)
- Футбол қонун-қоидаларидан хабардор эмаслик(5 киши)
- Ишқибозлар даражасида фикрлаш (22 киши)
- Хорижий тилларни билмаслик (14 киши)

6. Футболдан ташқари яна қайси шарҳловчилар фаолиятдан хабардорсиз ва исми-шарифини келтира оласизми?

1. Ғанишер Раҳматуллаев (“Брейн ринг”)
2. Сиёвуш Тўрахўжаев (“Бокс”)
3. Даврон Қобулов (спорт шарҳловчиси)